## ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ПЕНСИЯГА

Мен ишлаб келган корхона тугатилганлиги сабабли ишсиз қолдик. Лекин кадрлар бўлими бошлиғининг айтишича, бундай ҳолларда, пенсия ёшига етиб қолганлар тўғридан-тўғри пенсияга чиқиб кетишлари мумкин экан. Шу тўғрими?

Агар тўғри бўлса, бу қайси қонунда қайд этилган?

9 бет



## СЎНГГИ ҚАРОР

«Бир-бирига жуда мос, худди узукка кўз қўйгандек. Худо хоҳласа, бахтли бўлишади» дея алқашди уларнинг тўйига гувоҳ бўлганлар.

Аммо... Шерзод билан Севара бахтли бўла олмадилар. Тўғри, дастлаб улар тинч-тотув, аҳил яшадилар...

10 бет

Mustaqillik huquq demakdir

# Huquq

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI BOSH PROKURATURASINING NASHRI

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan www.huquq-gazeta.uz 2009-yil 9-aprel, № 15 (640)

### БОШ ПРОКУРАТУРАДА

# Мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилиши

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат солиқ ва божхона қўмиталари масъул ходимлари иштирокида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг Мувофиқлаштирувчи Кенгаш йиғилиши бўлиб ўтди.

Кенгаш йиғилишида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва назорат органлари ходимларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари ҳақидаги ариза ва хабарлар ҳал этилишининг қонунийлиги, бу тоифадаги жиноят ишларининг тергови, инсон қадр-қимматини камситиш, қийноқ, тазйиқ ўтказиш тўғрисидаги мурожаатларни ўрганиш ҳамда одам савдоси билан боғлиқ жиноятларни фош этиш, тергов қилиш, тезкор-қидирув ишлари ҳамда бу борадаги прокурор назорати аҳволи, суд амалиётини ўрганиш натижалари муҳокама қилинди.

Йиғилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва назорат органлари ходимлари томонидан ноқонуний хатти-ҳаракатлар содир этилиши ҳолларига барҳам бериш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилганлиги эътироф этилди. Шу билан бирга, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва назорат органлари ходимлари томонидан содир этилган жиноятларнинг келиб чиқиш сабаблари ва шарт-шароитларининг олдини олиш борасида идоравий ва прокурорлик назоратини янада кучайтириш лозимлиги таъкидланди.

Шунингдек, йиғилишда одам савдоси билан боғлиқ жиноятларни фош этиш, тергов қилиш, тезкор-қидирув ишлари ҳамда бу борадаги прокурор назорати аҳволи ва суд амалиётини ўрганишга оид масалалар муҳокама қилинди. Унда одам савдоси бугунги кунда жаҳон ҳамжамияти учун долзарб муаммо бўлиб, қамрови тобора кенгайиб бораётган бу трансмиллий жиноят турига қарши курашишда барча ваколатли идоралар билан ишларни ҳамкорликда ташкиллаштириш асосий вазифа эканлиги қайд этилди.

Йиғилишга таклиф этилган вилоят ва уларга тенглаштирилган прокуратуралар, ички ишлар бошқармалари ва бошқа тегишли органларнинг соҳа учун масъул раҳбарлари тушунтириш бердилар.

Мувофиқлаштирувчи Кенгаш йиғилиши якунида мавжуд камчиликларни бартараф этиш ва фаолият самарадорлигини ошириш юзасидан масъул идоралар олдига қатъий талаб қўйилиб, тегишли қарор қабул қилинди.

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Матбуот хизмати**

### БУГУН СОҲИБҚИРОН ТАВАЛЛУД ТОПГАН КУН

# ЎТМИШИ ЙЎҚНИНГ КЕЛАЖАГИ ЙЎҚ

***ёки Соҳибқирон Амир Темурнинг тарихдаги буюк хизмати хусусида***



«Ўтмиши йўқнинг келажаги йўқ», деган гапнинг тагида улкан ҳақиқат, зўр ҳикмат мужассам. Аслида ҳар бир халқнинг, унинг кўп ёки оз сонли бўлишидан қатъи назар, ўз тарихи бор. Баъзиларининг тарихи узун, бошқа бирлариники нисбатан қисқароқ. Лекин қандай бўлмасин, халқ деб аталмиш ҳар бир миллатнинг ўз тарихи бор. Биз ўзбекларнинг ҳам кўплар қатори узун ва бош тарихимиз мавжуд. Аҳмад ал-Фарғоний, Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Маҳмуд Қошғарий, Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Улуғбек, Али Қушчи, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Амир Темур, Бобур, Абдуллахон ва Абдулазизхон сингари фахрлансак арзигулик аждодларимиз бор. Улар яратган ва жаҳон илм-фани хазинасидан муносиб ўрин олган бой илмий ва маданий мероснинг ворисларимиз.

Лекин афсуски, бу бой хазинамиз, кўп минг йиллик тарихимиз узоқ йиллар давомида биздан пинҳон сақлаб келинди. Болаларимизга ҳам Россия ва Европа халқлари тарихи ва адабиётини кўпроқ ўргатдик, ота-боболаримиз тарихидан эса улар деярли бехабар қолдилар.

Ўз авлодларини, ўз қадриятларини унутган халқ ўзлигини йўқотади. Ҳукмронликка ўрганган халқлар эса қўл остидагиларнинг фақат моддий бойликларигагина эмас, балки маънавий бойликларига ҳам ёвузларча чанг соладилар. Давримизнинг буюк ёзувчиси Чингиз Айтматов «Асрга татигулик кун» асарида бу ёвузликни манқуртизм деб атаб, уни қоралаган эди. Бу, айниқса, урушқоқликка ўрганган, бировлар ҳисобига яшашга одатланган ва албатта, ҳарбий қудратга эга бўлган халқлар тарафидан содир этилган.

(Давоми 3-бетда).

### *9 апрель – Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун*

**Қорақалпоғистон Ўзбекистон Республикаси таркибига кирадиган суверен демократик республика ҳисобланади. Аҳолиси 1 миллион 629 минг бўлган республика Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришга ўзининг 190 минг тонна пахтаси, 85 минг 300 тонна ғалласи, кўплаб деҳқончилик маҳсулотлари ва ерости ва ерусти бойликлари билан хисса қўшиб келмоқда. Қорақалпоғистонликлар Ўзбекистоннинг маданияти, санъати, спорти ва бошқа соҳаларида ўз салоҳиятини намоён этган. Мамлакатимизда Ўзбекистон Қаҳрамонлари, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири И.Юсупов, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси Т.Қаипбергеновларнинг китоблари кириб бормаган хонадон йўқ.**

# Мустаҳкам ҳуқуқий асос

Мустақилликка эришганимиздан кейин давлатимизда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ва давлат қурилишида чуқур демократик ўзгаришлар юз берди, яъни, юртимизда демократик ҳуқуқий давлат ва инсонпарвар фуқаролик жамияти қурилиши жараёни бошланди. Қорақалпоғистон Республикаси ҳам ўзининг мустақил Конституциясини ишлаб чиқди. Конституцияни яратишда Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тенг ҳуқуқлилиги, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, маънавий, ахлоқий, маърифий қадриятлари, урф-одатлари ва анъаналари инобатга олинди ва Республикамизнинг бир қатор таниқли ҳуқуқшунос олимлари, фан арбоблари ҳамда давлат ва жамият фаолиятининг бошқа тармоқларида катта амалий тажрибага эга бўлган шахслар ўз ҳиссаларини қўшди.

Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси ўн иккинчи чақириқ Қорақалпоғистон Республикаси Олий кенгашининг ўн иккинчи сессиясида 1993 йил 9 апрелда қабул қилинди ва шу кун умумхалқ байрами — Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси куни деб эълон қилиш ҳақида Қонун қабул қилинди. Конституция 26 боб, 120 моддадан иборат.

Ўзбекистон Республикаси билан Қорақалпоғистон Республикасининг ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси ўртасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси доирасида тузилган шартнома ва битимлар билан тартибга солинади.

Жоқарғи Кенгеснинг Раиси Қорақалпоғистон Республикасининг энг юқори лавозимли шахсидир. Раис қонун чиқарувчи ва ижро қилувчи олий ҳокимият органларининг баҳамжиҳат ишлашини таъминлайди. Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда Жоқарғи Кенгесга Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси лавозимига номзод тавсия қилади, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича Олий суди раиси ва судьялари, Хўжалик суди раиси ва судьялари, шунингдек, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича туманлараро, туман ва шаҳар судлари судьялари лавозимларига номзодларни тақдим этади. Шунингдек, Раис Конституциянинг 81-моддасига асосан бошқа ваколатларга ҳам эга.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 86-моддасига асосан Олий Мажлис Сенати Раиси ўринбосарларидан бири Қорақалпоғистон Республикаси вакили бўлади. Ҳозирги кунда Сенат Раисининг ўринбосари Жоқарғи Кенгес раиси ҳисобланади.

(Давоми 4-бетда).

# Идоралараро комиссия йиғилиши

**8 апрель куни Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда одам савдосига қарши курашиш бўйича Андижон ва Бухоро вилоятлари ҳудудий идоралараро комиссияларининг фаолияти юзасидан ўтказилган текшириш натижалари муҳокама қилинди. Йиғилишда қайд этилган ҳудудий идоралараро комиссия раисларининг ҳисоботлари тингланди.**

Муҳокамада одам савдоси бугунги кунда халқаро ҳамжамият учун долзарб муаммога айланиб, қамрови тобора кенгайиб бораётгани, унга қарши курашиш ҳар бир давлат ва нодавлат ташкилотларининг муҳим вазифаларидан бири эканлиги, одам савдосига имкон яратаётган сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш, уларни бартараф этиш, аҳолининг бандлиги масаласига эътиборни янада кучайтириш лозимлиги таъкидланди.

Шунингдек, йиғилишда одам савдоси жиноятларига қарши курашиш фаолиятида жойларда камчиликларга йўл қўйилаётганлиги танқид қилинди. Йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш, одам савдосига қарши курашишни янада кучайтириш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Йиғилишда Республика Идоралараро комиссияси ва унинг доимий фаолият кўрсатувчи таҳлилий ишчи гуруҳи аъзолари, тегишли идоралар масъул ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссиясининг қарори ижро этиш учун тегишли идораларга юборилди.

**Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссияси**

# Давлат солиқ қўмитасида

Кеча Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ қўмитасида «Тадбиркор манфаати-доимий ҳимояда» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Матбуот анжуманини Давлат солиқ қўмитаси раиси Б.Парпиев олиб борди.

Мазкур анжуман Президентимизнинг 2008 йил 28 ноябрдаги 4058-сонли фармонига биноан тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, улар фаолиятига асоссиз равишда аралашувларнинг ҳар қандай кўринишларига чек қўйиш ҳамда Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш Республика Кенгашининг 2009 йил 27 мартдаги қарори мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилиш мақсадида ташкил этилди.

Юқоридаги фармон ва қарорларга асосан 2009 йилда режали текшириш ўтказиш мўлжалланган субъектлар сони 2008 йил режасига нисбатан 8518 тага ёки 64 фоизга, шу жумладан, Давлат солиқ хизмати органлари томонидан режали тарзда текширилиши мўлжалланган корхоналар сони 7464 тага ёки 62 фоизга қисқартирилганлиги тўғрисида атрофлича маълумот берилди.

Қизиқарли ўтган матбуот анжуманида қатнашчилар ўзларини қизиқтирган саволлари юзасидан тегишли жавоблар олишди.

**Ўз мухбиримиз**

**Мамлакатимизда бозор иқтисодиётини янада ривожлантириш, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш борасида босқичма-босқич кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилмоқдаки, уларнинг пировард мақсади халқимиз манфаатларига монанд иқтисодий-ижтимоий шароитни яратиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилишга қаратилган. Бугунги кунда мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларининг эркин фаолият юритиши ва уларнинг фаолиятини тартибга солувчи ҳамда кафолатловчи норматив-ҳуқуқий база яратилган. Худди шу масалада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йилда қабул қилинган тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга қаратилган Қарор ва Фармонлари жуда катта аҳамият касб этганлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқ лозим.**

# Тадбиркорлар манфаатлари ҳимояси

Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 13 февралдаги «2008 йилда республиканi ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари»га бағишланган мажлисида Президентимиз Ислом Каримов маърузасида жаҳон иқтисодий кризисининг олдини олиш борасидаги омиллардан бири сифатида тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш ва уларни қўллаб-қувватлашдан иборат эканлигини таъкидлаб ўтган эди.

Маълумки, тадбиркорлик фаолияти — тадбиркорлик субъектлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускор фаолиятдир. Бундан кўринадики, қонун доирасида фаолият юритиш тадбиркорларга қўйиладиган асосий талаб саналади.

Прокуратура органлари томонидан тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқий ҳимоялаш, уларнинг фаолиятига ноқонуний аралашувларнинг олдини олиш, текширишларни камайтириш, турли тўсиқ ва суиистеъмолликларга барҳам бериш борасида мунтазам назорат ўрнатилиб, йўл қўйилаётган қонунбузилишларга қатъий чоралар кўриб борилмоқда. Таъкидлаш жоизки, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувни бартараф этиш мақсадида прокуратура органлари томонидан ўтказиладиган текширишлар кескин камайтирилди.

Ўтказилаётган текширишлар ҳам Республика Бош прокуратураси мурожаати асосида қонунбузилиши ҳолати содир этилаётганлиги ҳақидаги аниқ далиллар кўрсатилган ҳолда, назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши рухсати олинган ҳолда, Бош прокуратура топшириқлари асосида ташкил этилмоқда.

Вилоят прокуратура органлари томонидан 2008 йилда ва жорий йилнинг ўтган даврида тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқий ҳимоялаш, уларнинг фаолиятига ноқонуний аралашувларнинг олдини олиш, текширишларни камайтириш, турли тўсиқ ва суиистеъмолликларга барҳам бериш борасида ўтказилган назорат тадбирларида назорат-текширув органлари ҳамда давлат идораларининг қатор қонунбузилиши ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланиб, 200 тадан ортиқ прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди.

Бундан ташқари, прокуратура органлари томонидан тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш мақсадида 2008 йил ва жорий йилнинг ўтган даврида 350 млн. сўмдан ортиқ кредит маблағлари ажратилишига амалий ёрдам кўрсатилди.

Жумладан, Зарафшон шаҳрида фаолият кўрсатаётган «Қизилқум баҳодирлари» хусусий корхонасига 20 млн. сўм, «Саман савдо сервис» хусусий корхонасига 35 млн. сўм, Учқудуқ туманида фаолият юритаётган «Мух-Нур-Гранд-Мед» хусусий корхонасига 72 млн. сўм кредит маблағлари ажратилишида амалий ёрдам кўрсатилди.

Қонунбузарликларга қарши курашишда жамоатчилик билан ҳамкорликни кучайтиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Вилоят прокуратура ҳамда туман, шаҳар прокуратураларида ишонч телефонлари ташкил этилган.

Мана шундай бир шароитда айрим фуқаролар давлатимиз томонидан берилаётган имтиёзлардан нотўғри фойдаланиб, сохта тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб, давлат ва жамият манфаатларига катта миқдорда зарар етказишаётгани ачинарли ҳол.

Бу вилоятда тугатилаётган ва банкрот деб эътироф этилаётган корхоналар сонининг ортиб боришига сабаб бўлмоқда.

Кармана туманида фаолият кўрсатган «Dilnur-ifor» кичик корхонаси раҳбари ва «Navoiy universal baholash» масъулияти чекланган жамияти мутахассислари ўзаро жиноий тил бириктириб, ҳужжатларни сохталаштириб, улгуржи савдо фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни қўлга киритган.

Корхона раҳбари мазкур рухсатнома асосида турли хилдаги товар маҳсулотлари олди-бердиси ҳақида сохта ҳужжатлар тузиб, пул маблағларини нақдлаштириш фаолияти билан шуғулланиб келган. Бунинг оқибатида солиқ ва бошқа бюджет тўловларидан 88 млн. 500 минг сўмлик қарздорликни юзага келтириб, корхонани банкротлик ҳолатига олиб келган. Вилоят хўжалик суди қарори асосида корхона банкрот деб эътироф этилган.

Афсуски, бу каби ҳолатлар анчамунча учрайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, вилоятимизда тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш учун жуда катта имкониятлар мавжуд. Айни пайтда вилоят прокуратураси органлари тадбиркорларнинг қонуний манфаатларини ва уларни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоясини ташкил этишда қатъият билан иш олиб боришмоқда.

**Рауфжон ЭШМИРЗОЕВ,**
**Навоий вилоят прокурорининг ўринбосари**

# «МАТИЗ» ШАЙДОЛАРИ

Кечки пайт уйига маст ҳолда кириб келган ота ўғлини ёнига чақирди.

— Ўғлим, ишсиз юриш жонга тегди. Россияга бориб ишлаб келсакчи? – деди.

Кутилмаган таклиф ўғилни шошириб қўйди.

— Яхши бўларди, лекин пулимиз йўқ-ку?

— Йўқ бўлса топамиз! Бирортасининг машинасини ўғирлаб сотамизу, пулини олиб Россияга жўнаб қоламиз, — деди.

Орифжон отасининг бу гапларига анграйиб қолди.

— Нега қўрқасан? Мен борман-ку, фақат айтганимни қилсанг бўлди!

Хуллас, Одил ўғлини кўндирди. Сўнг ўғлига автомашина тормозининг тросини берди, ўзи эса пичоқ билан қуролланиб, «ов»га чиқишди. Улар дастлаб Навоий шаҳрига боришди. Бозор ёнида кира қилиб юрган «Матиз»ни тўхтатишди.

— Ака, бизни Жалойирга олиб бориб қўймайсизми? — деди Одил машина эгасига.

— Келишсак майли, обориб қўяман, — деди ҳайдовчи.

Улар ўзаро савдолашгач, Жалойир қишлоғига йўл олишди. Йўлда йўловчиларнинг нияти бузилганини сезган ҳайдовчи машинани тўхтатиб, уларни тушириб юбормоқчи бўлди. Бу пайтда атрофга қоронғулик чўкиб, кўчада йўловчи машиналар камайиб қолган эди. Одил пайтдан фойдаланиб қолишни кўзлаб ўғлига имо қилди. Шуни кутиб ўтирган Ориф ҳайдовчининг бўйнига тросни ташлаб бўға бошлади. Кутилмаган ҳужумдан ўзини ҳимоя қилишга уринаётган ҳайдовчи қорнида кучли оғриқ сезиб, ёнига ўгирилди. Одилнинг қўлида қонга бўялган пичоқ турарди. Шундан сўнг ҳайдовчи жон ҳолатда ўзини машинадан пастга ташлади.

Одил ҳайдовчининг ортидан тушиб, уни гумдон қилишни ўйлади-ю, кимдир кўриб қолишидан қўрқиб, ниятидан қайтди. У зудлик билан машина бошқарувини қўлига олиб, ҳайдаб кетди. Йўл-йўлакай жиноят қуроллари ва автомашина давлат рақамини Нарпай каналига ташлаб юборишди. Машинанинг ўзини эса Мушкент қишлоғи ҳудудидаги юлғунзор орасига яшириб қўйишди.

Эртаси куни ота-бола машинага ўрнатилган автомагнитолани ечиб олиб, номаълум кишиларга сотиб юборишди. Аммо улар машинани сотишга улгуролмадилар.

Суд Одил Санаев ва ўғли Орифжон Одиловларни тегишли жазога тортди.

**Ш.БОЗОРОВ,**
**Пахтачи туман прокуратураси терговчиси**

# МУҚАДДАС БУРЧ

Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 17 йиллик байрамига бағишланган мурожаатида Қуролли кучларимизнинг салоҳияти ва куч-қудратини юксалтириш борасидаги энг муҳим вазифаларни белгилаб берди. Унда ҳарбий хизматчиларнинг маънавий-руҳий, сиёсий тайёргарлигини янада такомиллаштириш даркорлиги, барча бўғиндаги командирларнинг фаолияти офицерлар, сержантлар ва аскарларда юксак маънавий ва ахлоқий фазилатларни тарбиялаш, фаол ҳаётий позиция ҳамда ватанпарварлик, мамлакат тақдири учун масъулият ҳисси билан яшаш, юртимиз мустақиллиги ва хавфсизлигини мустаҳкамлаш туйғусини янада кучайтиришга қаратилиши лозимлиги, армия амалда ёшларни маънавий, жисмоний жиҳатдан баркамол инсон ва етук граждан сифатида вояга етказадиган ҳаёт мактабига айланиши шартлиги таъкидланган. Мазкур вазифа, ҳар биримизга армиямизда ҳарбий интизомни юксак савияга кўтаришни, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш чораларини кўришни юклайди.

Ҳарбий прокуратура органлари прокурор-тергов ходимлари ўзларига бириктирилган ҳарбий қисмларда командирлар ва ҳарбий қисм командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлари билан ҳамкорликда шахсий таркибнинг тарбияси, ҳарбий интизом, ахлоқий-руҳий аҳволи ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлиги ва ижтимоий-ҳуқуқий муҳофазаси, ҳуқуқий тартиботни мустаҳкамлаш, шахсий таркиб ўртасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, ҳарбий жамоаларни жипслаштириш, ҳарбий хизмат шароитларининг хавфсизлигини таъминлаш бўйича аниқ ва режали ҳуқуқ-тарғибот тадбирларини амалга ошириб келмоқда.

Қуролли Кучларда ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш ва жиноятчиликнинг олдини олишда оммавий ахборот воситалари имкониятларидан кенг фойдаланиб ўтказилаётган тадбирлар ўқув-амалий, услубий-методик фильмлар ва турли кўринишдаги видеолавҳалар орқали амалга оширилиши ҳам ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони 2008 йил 20 ноябрь куни матбуотда эълон қилинди.

Мазкур Фармонга асосан фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга йилига икки марта чақиришдан иборат совет тизимидан қолган ва муддатли ҳарбий хизматчиларга ҳарбий мутахассислик сирларини ўрганишга қийинчилик туғдирадиган одатга барҳам берилиб, юртимизда 2009 йилдан бошлаб фуқароларни Қуролли Кучлар таркибига муддатли ҳарбий хизматга йилига бир марта — февраль-март ойларида чақириш ва белгиланган муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларни захирага март-апрель ойларида бўшатиш тартиби жорий қилинди.

Мазкур Фармоннинг мазмун-моҳияти ҳақида чақирилувчи ёшларимиз ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Шунингдек, жойларда ҳарбий қисмларга чиқилиб, ҳарбий хизматни ўташ учун келган ёш аскарлар билан давра суҳбатлари олиб борилмоқда.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Ватанни ҳимоя қилишдек муқаддас бурчини бажараётган муддатли ҳарбий хизматчиларнинг миллий армиямиз сафида ўтган даври улар ҳаётида жисмоний ва маънавий камол топиш қатъиятли, ҳақиқий йигитлар бўлиб шаклланиш даври сифатида эсда қолишига ҳеч ким шубҳа қилмайди.

**Абдуғаффор АБДУЛЛАЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси бўлим бошлиғи**

# Чегара мустаҳкам — кўнгил хотиржам

Андижон вилоят прокуратураси ҳуқуқ-тартибот органлари билан ҳамкорликда Вазирлар Маҳкамасининг 154-сонли қарори ижросини таъминлаш устида мунтазам иш олиб боряпти. Четдан сифат сертификатисиз товарларни олиб кириш, четга ғайриқонуний моддий бойликларни олиб ўтишга уринишларнинг олдини олишга жамоатчилик вакиллари ҳам жалб этилмоқда. Ана шу мақсадда қўшни Қирғизистон Республикасининг Ўш вилоятига чегарадош ҳудудда жойлашган Пахтаобод тумани ҳуқуқ-тартибот идоралари, чегара қўшинлари раҳбарларидан иборат доимий ҳаракатдаги штабнинг йиғилишига қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларининг раислари таклиф қилиндилар. Унда экиш мавсумини уюшқоқлик билан ўтказиш, «ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари, чигит, минерал ўғитлар, пахта толаси, рангли металлар ва бошқа моддий-товар бойликларини чегарадан ғайриқонуний ўтказишга уринишларнинг олдини олиш масалалари муҳокама этилди. Божхоналарни четлаб, моддий-товар бойликларни олиб ўтишга уринишларни бартараф этиш учун чегара посбонлари ва маҳалла посбонларидан иборат гуруҳларнинг ташкил этилиши мақсадга мувофиқ деб топилди.

Йиғилишда мутасадди идораларнинг раҳбарларидан чегара муҳандислик иншоотларини мустаҳкамлаш, чегара посбонларининг маошларини 20 фоизга ошириш, уларга экин майдонлари ажратиш тўғрисидаги қарорнинг ижросида йўл қўйилаётган сусткашликка барҳам бериш талаб қилинди.

Чегарадаги муҳандислик иншоотлари тўкис битказилмагани божхонани четлаб ўтишга уринувчи нопок шахсларга қўл келади. Хусусан, Маданият қишлоғининг «Чорбоғ» маҳалласидаги бевосита чегарада жойлашган битта хонадон ва дўкон кўчирилмай қолган. Айрим «савдогар»лар бу ҳовлилар орқали чегарадан ғайриқонуний равишда товар-моддий бойликларни олиб ўтишга уринишган. Туман ҳокимлиги бошқа жойдан ер участкаси ажратиб, хонадон ва дўконни кўчириш чораларини кўраётгани инобатга олинди.

Чегаранинг муҳандислик иншоотларига туташган, фермер хўжаликларига тегишли 1000 гектардан зиёд экин майдонларида пахта ва шоли етиштирилади. Мазкур ҳудудга ўтиб ишловчиларнинг рўйхати тузилмаган. Фермер хўжаликларининг раҳбарлари ва ишчиларига алоҳида рухсатномалар тайёрлаб берилмаган. Рўйхат тузиш ва рухсатномалар тайёрлаб тарқатиш, ушбу экин майдонларига олиб ўтилаётган чигит, уруғлик, ёнилғи, минерал ўғитларнинг ҳисобини юритиш, мақсадга мувофиқ ишлатилишини назорат қилиш бўйича топшириқлар берилди.

Чегара яқинидаги қишлоқларда истиқомат қилувчиларнинг барчасини муҳим иш билан таъминлаш долзарб вазифалардандир. Айрим ишсиз фуқаролар «чой-чақа» эвазига божхонани четлаб ўтишга уринган «савдогар»ларга ҳаммоллик қилишган. Янги иш ўринлари яратилишини рағбатлантириб, бу каби ҳолатларни бартараф этиш зарур. Шу билан бирга йиғилишда туман прокурори М.Ибрагимовнинг ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари ҳамда жамоатчилик, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолларининг ҳамкорлигини кенг йўлга қўйиш, ҳуқуқий тарғибот тадбирларида фуқароларга тинч ва осойишта, тўкин турмуш кафолати — қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини сингдириб бориш борасидаги мулоҳаза ва таклифлари ҳам инобатга олиниб, қабул қилинган қарор ижро этила бошланди.

**Исроил ИБРОҲИМОВ,**
**«Ниqиq» мухбири**

# ЎТМИШИ ЙЎҚНИНГ КЕЛАЖАГИ ЙЎҚ

## ёки Соҳибқирон Амир Темурнинг тарихдаги буюк хизмати хусусида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўн тўрт асрлик маданиятимиз тарихи араб ёзуви билан боғлиқ. Энг даҳшатлиси, араб имлосини ўзгартириш йўли билан ёш авлодни бой ва ранг-баранг илмий ва маданий меросдан сунъий тарзда ажратиб ташладик. Бунинг оқибати бугун ҳаммага аён.Халқнинг маданияти унинг катта-кичиклигига қараб белгиланмайди. Шундай кичик халқлар борки, буюк зотларининг бой мероси билан дунё маданиятида тилга олинадилар. Аввало, биз кичик халқ эмасмиз. Маданиятимиз ҳам кичик эмас. Аммо бизни ўз маданиятимиздан четлаштиришмоқчи бўлишди. Фақат моддий бойликларимиздан эмас, балки маданий бойликларимиздан ҳам маҳрум қилишга уриниб кўришди.

«Худо давлат қуёшини турклар буржида яратди. Уларни турк деб атади, Мулкка эга қилди, уларни замонамизнинг ҳоқонлари қилиб кўтарди. Замон аҳлининг ихтиёр жиловини улар қўлига топширди, халққа бош қилди, уларни тўғри йўлда юришга қодир қилди. Уларга қарашли кишилар мақсадга етиб, бебошлар ҳалокатидан қутулди. Уларнинг (туркларнинг) ўқларидан сақланмоқ учун уларнинг хатти-ҳаракатларини маҳкам тутмоқ ҳар бир ақлли кишига лойиқ ва муносибдир. Уларга яқин бўлиш учун асосий йўл - уларнинг тилида сўзлашишдир, чунки улар бу тилда сўзлашувчиларга яхши қулоқ соладилар, ўзларини яқин тутадилар, уларга зарар бермайдилар...» деган эди 11-асрдаёқ буюк қомусий олим Маҳмуд Қошғарий. У таъкидлаганидек, Туронзамин ўзининг беш минг йиллик маданий тарихида 18 та ҳукмрон сулолаларни дунёга келтирди. Бироқ Соҳибқирон Амир Темур асос солган темурийлар сулоласи Турон тарихида алоҳида ўрин тутади. Негаки бу сулоланинг чекига Туронни қарийб бир ярим аср давомида ўз истибдодида ушлаб келган мўғуллар зулмидан озод қилиш сингари буюк вазифа тушган эди.

Амир Темур тарих зиммасига юкланган бу вазифани шараф билан адо этди. Туронни нафақат ҳур ва озод, мустақил қилди, балки уни ер юзидаги иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан энг бақувват давлатлардан бирига айлантирди. Соҳибқирон Амир Темур ўз олдига парчаларга бўлиниб кетган Буюк Туронни бирлаштиришни асосий мақсад қилиб қўйган эди. Унинг жануб, ғарб ва шимолга ҳарбий юришлари асосан Туронзамини доирасида бўлган. Шу сабабли буюк бобомизни забт этувчи эмас, балки бирлаштирувчи сиймо десак, адолатли иш тутган бўламиз. Соҳибқирон ғарбий ўлкаларга юриши давомида форс вилояти, араб ўлкаларига юриш қилиб, ер юзидаги 27 та мамлакатни яхши ният билан адолат ўрнатиш мақсадида ўз туғи остида бирлаштиришга эришган.

Тарихдан маълумки, бу ўлкалардаги адолатсиз ҳокимларнинг қилмишлари, марказий ҳокимиятнинг заифлигидан фуқаролар, шунингдек, савдо карвонлари, ҳаж сафарига борувчилар азият чекарди. Соҳибқирон бобомиз ана шундай ҳолатларга барҳам берган. Манман, фуқароларини ҳимоя қила олмайдиган ҳокимларнинг ўрнига раиятпарвар кишиларни тайинлаган. Форс, Ироқ, Шом ва бошқа диёрларда худди шундай тадбирлар қўллагани бизга тарихдан маълум. Жумладан, Анқара жангида Амир Темур Йилдирим Боязид устидан ғалаба қозонган бўлса-да, тахтни унинг ўғилларига топширган.

Шу пайтгача Ғарб тарихчилари «Амир Темур 1405 йили Хитойни забт этишга отланган эди», деб ёзадилар. Бу хато фикрдир. Соҳибқирон аслида 14-асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Хитой босиб олган Шарқий Туронзаминни озод этгани йўлга чиққан эди. Мўғуллар истибдодидан тинка-мадори қуриган Россиянинг озод бўлишида ҳам буюк Соҳибқироннинг улкан кўмаги борлиги жаҳон тарихчилари томонидан аллақачон тан олинган. «Улуснинг қадрини, қаддини, шан-шавкатини кўтар! Ани паст ва майда ишлар билан банд қилиб, дунёвий ҳақиқатлардан мосуво этма! Элни туфроқ билан баробар этганлар, оқибатда ердан-да баттар бўлурлар?...» деган эдилар Соҳибқирон бобомиз фарзандларига мурожаат қилиб.

Амир Темур шарқ мамлакатларида қанчалик довруғ таратмасин, унинг шон-шуҳрати Ғарбда ҳам ундан кам эмасди. Манбалардан маълумки, 16-асрга келиб Ғарбий Европада Амир Темур салтанатига қизиқиш кескин даражада бўлган испаниялик элчи Руи Гонзалесде Клавихо, франциялик маршал Бусико, султониялик архиепископ Ионнларнинг Амир Темур ҳақидаги эсдаликлари чоп этилди. Сўнгра бадиий адабиётда Амир Темур образини англиялик драматург Кристофер Марло яратди. Ордан сал ўтиб франг тарихчиси Дў-Сэнксион Амир Темур ҳақида биринчи илмий рисолани ёзди. Шунингдек, европалик олимлар Амир Темур фаолиятини кенг ёритган ўша давр тарихчилари Ибн Арабшоҳ, Шарафиддин Али Яздий, Абдураззоқ Самарқандий ва Низомиддин Шомийларнинг нодир асарларини ўз тилларига таржима қилдилар.

Бир сўз билан айтганда, Темурийлар давридаги иқтисодий - ижтимоий юксалишлар, шу жумладан, Самарқанддаги илм-фаннинг ривожи, Ҳиротдаги адабиёт ва санъат муҳити ўзбек давлатчилигининг кейинги босқичлари учун ҳам юксак андоза, ибрат оларли бир маёқ бўлиб қолаверди.

**Норбўта ГОЗИЕВ**

**«Амир Темур - бизнинг шаън-шавкатимиз, ғурур-ифтихоримиздир. Амир Темур - халқимиз даҳосининг тимсоли, маънавий қудратимиз рамзидир», деган эди давлатимиз раҳбари Ислом Каримов Темурийлар тарихи давлат музейининг очилиш маросимида сўзлаган нутқларида. (1996 йил 18 октябрь). Дарҳақиқат шундай экан, аммо биз, кўзи очиқ кўрлар, нега узоқ вақтлар давомида ғанимларнинг ёлғонларига кўр-кўрона ишониб келдик, не сабабдан ул зоти олийнинг энг кескир шамшири, мискинларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ишлатган қуроли адолат бўлганлигини кўпинча эътибордан четда қолдирдик. Майли, энди ўтмишни орқага қайтариб бўлмайди, ўтган гапга саловот, энг асосийси, адолат тикланди. Ғанимлар Соҳибқирон юзига чаплаган қора бўёқларни Истиқлолимизнинг шаррос қуйган покиза ёмғирлари зарра қолдирмай ювиб кетди.**



# АМИР ТЕМУР СИЙМОСИ:

## РИВОЯТЛАРДА ЯЛТ ЭТГАН ҲАҚИҚАТ

Соҳибқирон бугунги кунда мамлакатимиз пойтахтининг қоқ марказидаги майдон ўртасида жанговар отларининг узангисига оёқларини маҳкам тираб, «Куч адолатдадир. Адолатни қарор топтиринглар», деган маънода ўнг қўлларини олдинга чўзганча, савлат тўкиб турибдилар. Ҳазрат тўғрисида жуда кўп асарлар иншо этилган. Уларнинг баъзилари ўзлари яшаган даврда ёзилган бўлса, кўпчилиги ул зотнинг вафотидан кейин битилган.

Бу китобларнинг баъзиларида Соҳибқирон кўкларга кўтарилиб мақталган бўлса, (сарой тарихчилари томонидан битилган), баъзиларида эса сўкиш ва таҳқирлаш йўли билан (Ибн Арабшоҳга ўхшаш «заҳартил» тарихчилар томонидан битилган) «етти қават ер тагига» тиқиб юборилган. Шулардан мен буюк бобомизнинг ўз қўллари билан ёзилган «Темур тузуклари»ни ҳамда Низомиддин Шомий қаламига мансуб «Зафарнома» асарини асар сифатида тан оламан. Очиғини айтганда ўзи кўкларга кўтарилиб, мақталган асарларни Соҳибқирон бобомизнинг ўзлари ҳам унчалар хуш кўрмаган. «Зафарнома»да айтилишича, «саккиз юз тўртинчи ҳижрий йилида (1401 йил 11 август - 1402 йил 1 август) Амир Соҳибқирон ҳазратлари камина бандангиз Низомиддин Шомийни ҳузурларига келтиришни буюрди. Сарой тарихчилари ул зот қилган ишларни бошланишидан тортиб, то ҳозирги кунларгача онҳазрат учун ёзган бўлсалар ҳам, аммо улар ҳали муносиб тарзда жамланиб, тақдим этилмаган экан». Шомий уларни йиғиб, ортиқча сўзлардан тозалаб, боб-боб қилиб тартиб беришга, аммо такаллуфу безак бериш, лоф уриш зийнатидан ўзини тийишга буюрилади. Қисқача қилиб айтганда, Шомий «хосга мақбулу, омма тушунгудек сўзни» ёзиши лозим бўлган. «Мен ана ўшандоқ сўзни хоҳлайман», дейди Соҳибқирон. Келинг, Соҳибқирон тўғрисидаги китоблар қандай ёзилганлиги ва уларда улуғ бобомиз тўғрисида нималар дейилганлигини англаб-ажратиб олишни ўқувчиларнинг ўзларига ҳавола этайлик, Амир Темурга тааллуқли қандай ривоятлар борлигини ва уларда ялт этган ҳаётий ҳақиқат қандай тасвирланганлигини, уларнинг ҳақиқатга қанчалар мос келишини имкон қадар кўриб чиқишга ҳаракат қилайлик. Кўплаб ривоятларда тилга олинадиган, Соҳибқиронга тааллуқли ашёлардан бири ҳазрат Соҳибқирон қабри устига ўрнатилган тўқ яшил рангли яшм (нефрит) тошидир. Халқ онгига «агар бу тош ўрнидан қўзғатилса, уруш бошланади», деган тушунча сингиб кетган. Бу тош халқ орасида «Яшм тоши», «Моҳтоб», «Кўктош», «Қош тоши» каби номлар билан машҳур. Бу тош ўз вақтида Хитой императорлари саройида сиғиниладиган жой вазифасини, Чингизхон авлодидан бўлмиш Кабек - хонга (Кепакхон ???) эса тахт вазифасини ўтаган, деган ривоятлар ҳам бор. Улуғбек мирзо бу тошни аравалар ёрдамида доруссалтанатга (Самарқандга) келтириб, бобосининг қабри устига ўрнаттирган экан.

1740 йилда Эрон шоҳи Нодиршоҳ Бухорони забт этганда (Самарқанд ўша пайтларда Бухоро давлати таркибида бўлган) Бибихоним мадрасасининг катта дарвозасини ҳамда яшм тошини Эронга олиб кетган экан. Йўлда тош иккига бўлиниб кетибди ва Нодиршоҳнинг қариндошлари бирин-кетин вафот эта бошлабдилар. Шунда эронлик олиму уламолар шоҳга «тошни дарҳол ўз жойига элтиб ўрнатиш лозим, акс ҳолда барчамиз қирилиб кетамиз», деган ҳадикларини баён қиладилар. Тош Соҳибқирон қабри устига қайта ўрнатилгандан кейин Нодиршоҳ қариндошларининг бирин-кетин вафот этиши барҳам топган дейишади. Тошда араб ҳарфлари билан «Бу тошнинг тагида уруш руҳи тин олмоқда. Кимда-ким уни безовта қилса, ўлим топади», деб ёзиб қўйилган, деб ривоят қиладилар. Аммо бу нотўғри. Қадимшунос олим Амриддин Бердимуродовнинг сўзларига кўра, тошда «Ушбу қабр тошини Амир Соҳибқироннинг невараси Мирзо Улуғбек Мўғилистондан келтириб, бобосининг қабрига қўйди», деган мазмундаги битик бор, холос. «Уруш руҳи» ва шунга ўхшаш гаплар умуман йўқ. 1941 йилда Шўро олимлари ман этилган ишга қўл уриб, Соҳибқирон қабрини очишга қарор қилдилар. Махсус тузилган давлат комиссияси иш бошлаётганда Гўри Амир яқинида жойлашган чойхонада ўтирган қариялар келиб, Соҳибқирон руҳини безовта қилиш мумкин эмаслигини, акс ҳолда уруш бошланиб кетишини айтган эмишлар. Шунинг учун, айтишларига қараганда, комиссия қабрни очиш ишларини 1941 йил 20 июндан 21 июнга ўтар кечаси соат 12 ларда бошлаган экан. (Манбаларда комиссия қабрни ўша йили 19 июнда оча бошлаганлиги қайд этилган). Қабр очилиб, комиссия аъзолари Соҳибқирон суякларига қўл теккизган дамда биринчи немис бомбалари Совет Иттифоқи ҳудудига келиб туша бошлаган экан. Тўғри, бу гапларнинг кўп қисми халқ тилида юрган ривоят, аммо барибир, «шамол бўлмаса, дарахтнинг учи қимирламайди-да». Амир Соҳибқироннинг суякларини Россияга олиб кетилган, Герасимов Соҳибқироннинг бош суяги чаноғидан бронза нусха ясаб, ул зотнинг портретини ишлаган. Бу орада немислар Москва бўсағаларига етиб қолган. Давлат раҳбарлари «Москва қўлдан кетса, ҳаммаси тамом бўлади», деб ваҳимага тушиб қолган пайтда кексалар «Эҳтимол, Амир Темур руҳига мурожаат қилиш лозимдир», деб маслаҳат беришган дейишади. Бобокалонимизнинг суяклари ортилган самолёт ҳавога кўтарилиб, Москва марказидан 14 километр радиусда шаҳарни уч марта айланиб ерга қўнади. Немисларнинг тошми, ғиштми эзиб-янчиб келаётган зирҳли техникаси Москвага ўн тўрт километр қолганда, самолёт тепадан туриб ясаган айлана чизиғида тақа-тақ тўхтайди. Олдинга йўл йўқ. Ва шу чизиқдан немисларнинг орқага қайтиши бошланади. Бунда қандай сир-синоат бор, ёлғиз Худога аён. СССР раҳбарлари Амир Соҳибқироннинг Россияга келтирилган суякларини Самарқандга қайтариб, ўз жойига иззат-ҳурмат билан қайта дафн этишга буйруқ берадилар. Соҳибқирон қайта дафн этилган куни фашистлар армияси Москвадан 200 километр нарига улоқтириб ташланади. Мана шунақа гаплар.

Амир Темурга боғлиқ ривоятлардан яна бирида айтилишича, охирги етти йиллик ҳарбий юришлари даврида (1397-1404) Соҳибқирон ўз аскарлари билан Мосул шаҳри яқинига келган экан. Қўшин қанчалар кучли бўлишига қарамасдан Амир Темур шаҳарни забт эта олмади. Соҳибқирон бунинг сабабини сўраганда, ул зотга шаҳар яқинида Дониёл алайҳиссаломнинг қабри бор. У кишининг руҳи бу шаҳарни барча бало-офатлардан сақлайди деб айтишади ва Дониёл пайғамбар тўғрисидаги афсоналарни сўзлаб беришади. Амир Темур пайғамбар қабрини зиёрат қилиб, урф-одатларга кўра қурбонликлар қилади. Шундан сўнг нияти амалга ошиб, Мосул шаҳрини эгаллайди. Пайғамбарга ихлоси янада ортиб, қайта-қайта қабрини зиёрат қилади ва кейинчалик унинг хокини туяларга орттириб, Самарқандга жўнаттиради. Айтишларича, пайғамбарнинг қабри жойини Соҳибқироннинг шахсан ўзи танлаган. Ҳоклари қабрга қўйилгач, бош томонидан бир булоқ шарқираб отилиб чиққан. Ҳозирги кунда ҳам яҳудийлар, насронийлар ва мусулмон дини вакиллари ҳар куни пайғамбар қабрини зиёрат қилиш учун келадилар. Булоқ суви шифобахш бўлиб турли касалликларга даво ҳисобланади. Ривоят қилишларича, бу пайғамбар қабри бор жойда қимматчилик бўлиши мумкин, лекин ҳеч қачон қаҳатчилик бўлмайди. Соҳибқирон бобомиз ўз салтанати пойтахтининг «сайқали рўйи замин» бўлишини жуда-жуда хоҳлаганликлари сабабли пайғамбар хокини Самарқандга келтиришга буюрган бўлишлари мумкин.

***Изоҳ:** Дониёл пайғамбар тарихий шахс. Бобил ҳукмдори Навуходоносор даврида сарой хизматига олинган. Унинг тўғрисида жуда кўп афсоналар мавжуд. Янги дин, яъни Ислом дини келишини башорат қилган. Библияда, яъни Кўҳна Аҳдда «Книга пророка Даниила» (Дониёл пайғамбар китоби) деган китоб бор.*

**Йўлдош ПАРДА тайёрлади**



**Ўтган йили бутун дунё халқлари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигини кенг нишонлади. Шу ўринда Ўзбекистон мустақилликка эришгач, қўшилган илк халқаро ҳужжатлардан бири айнан ушбу декларация бўлганлигини фахр билан таъкидлаш лозим. Бу мамлакатимиз халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этган нормаларига содиқлигининг яққол ифодаси эди.**

# Мустақиллик ва демократик жамият таянчи

Бугунги кунда юртимизда олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотлар замирида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш, уларни энг олий қадрият сифатида эътироф этиш каби ғоялар ётади. Мустақиллик йиллари мамлакатимизда бу борада мустаҳкам ҳуқуқий база яратилди. Хусусан, Асосий қонунимиз — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тараққиёт йўлида биз учун дастуриламалдир. Унинг 68-моддасида шундай дейилади: — «Ўзбекистон Республикаси вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасидан иборат».

Ўзбекистон Конституциясининг XVII боби Қорақалпоғистон Республикасига бағишланган. Жойи келганда Қорақалпоғистон ҳақидаги айрим маълумотларни эътиборингизга ҳавола этсам. 1925 йил 16 февралда ташкил топган, 1936 йил 5 декабрда Ўзбекистон таркибига кирган. Ҳудуди 166,6 минг кв.км. Ўз давлат байроғи, герби, мадҳияси ва конституциясига эга. Пойтахти Нукус шаҳри. Маъмурий жиҳатдан 15 та туманга бўлинади. Республикага бўйсунувчи 7 та, туманларга бўйсунувчи 5 та шаҳар бор.

1993 йилнинг 9 апрели сувper Қорақалпоғистон Республикаси тарихидаги унутилмас саналардан ҳисобланади. Шу куни ўн иккинчи чақириқ Қорақалпоғистон Олий Кенгашининг 12-сессиясида Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси қабул қилиниб, бу сана умумхалқ байрами деб эълон қилинган. 26 боб, 120-моддадан иборат ушбу Конституцияда давлат ва жамият тузилишининг муҳим жиҳатлари, хусусан инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари, халқ ҳокимиятчилиги, жамиятнинг иқтисодий негизлари, Қорақалпоғистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий ва давлат тузилиши, сайлов тизими белгилаб берилган.

Конституциянинг VI-боби 21-моддасида Ўзбекистон Республикасида ягона фуқароликнинг ўрнатилишига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикасининг фуқароси Ўзбекистон Республикаси фуқароси ҳисобланади.

Айни пайтда суверен Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси таркибига кириши ва унинг ҳудудида Қорақалпоғистон ҳамда Ўзбекистон қонунларининг устунлиги мустаҳкамлаб қўйилган.

Юртбошимиз Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» номли китобида шундай дейилади: «Ватанимизнинг келажаги, халқимизнинг эртанги куни, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори авваламбор фарзандларимизнинг унибўсиб, улғайиб, қандай инсон бўлиб ҳаётга кириб боришига боғлиқдир». Дарҳақиқат, биз олдимизга илғор ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини қуришни мақсад қилиб қўйган эканмиз, аввало фарзандларимиз Конституция ва қонунларимизнинг моҳиятини чуқур англаб етишига эришишимиз керак. Шундан келиб чиқиб Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан аҳоли, хусусан, ёшлар ўртасида тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилишига алоҳида эътибор қаратилаяпти.

Қисқача айтганда, Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикасининг Конституциялари ҳар бир моддаси инсон учун, унинг моддий ва маънавий талаб-эҳтиёжларини, манфаатларини қондириш ҳамда халқимизнинг равнақи учун хизмат қилади. Унда биринчи навбатда шахс манфаати устун деб белгиланган. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари энг олий қадрият деб муҳрланган. Президентимиз И.Каримов таъбири билан айтганда «...туб моҳияти, фалсафаси, ғоясига кўра янги ҳужжат, унда «фуқаро-жамият-давлат» ўртасидаги ўзаро муносабат оқилона ҳуқуқий ечимини топган». Фуқароларнинг Конституцияда ва қонунчиликда белгиланган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва шахсий ҳуқуқлари жаҳондаги ривожланган давлатлар ва умумэътироф этилган халқаро ҳужжатлар талабларига монанд равишда кафолатланган.

Бугунги кун мамлакатимизнинг халқаро майдондаги обрўсини янада юксалтириш, халқимиз турмуш фаровонлигини ошириш ҳар биримиздан фидойиликни талаб қилади. Кўзланган мақсадларимизга эришиш учун бизда етарли ҳуқуқий асос мавжуд. Ҳамма гап уни қай даражада билишимиз, унга қандай риоя қилишимизда.

**Давлатбой ХОЛМУРАТОВ,**
**Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазири**

# Мустаҳкам ҳуқуқий асос

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Жоқарғи Кенгес фаолиятини ташкил этиш ва бошқа ваколатларини амалга ошириш учун Қорақалпоғистон Республикаси Жоқарғи Кенгесининг Президиуми тузилади. Президиум таркибига Жоқарғи Кенгес Раиси, унинг ўринбосари, Жоқарғи Кенгес қўмиталари ва комиссияларининг раислари, партия гуруҳларининг раҳбарлари киради. Конституциянинг 85-моддасида Президиумнинг 10 банддан иборат ваколати қайд қилинган. Шу модданинг 8-бандига асосан Қорақалпоғистон Республикаси Жоқарғи Кенгеси Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори билан келишилган ҳолда Қорақалпоғистон Республикасининг прокурори лавозимига номзод тақдим этади.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17-боби Қорақалпоғистон Республикасига бағишланиб, Қорақалпоғистон Республикасининг суверенитети Ўзбекистон Республикаси томонидан муҳофаза қилиниши таъкидланган.



Қорақалпоқ тили ва ўзбек тили Қорақалпоғистон Республикасининг давлат тиллари ҳисобланади. Қорақалпоғистон Республикаси қонун билан тасдиқланган давлат рамзларига эга.

Қорақалпоғистон халқи номидан фақат у сайлаган Республика Жоқарғи Кенгеси иш олиб бориши мумкин. Жамиятнинг бирон-бир қисми, сиёсий партия, жамоат бирлашмаси ёки алоҳида шахс Қорақалпоғистон халқи номидан иш олиб боришга ҳақли эмас.

Қорақалпоғистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланади.

Қорақалпоғистон Республикасида Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикасининг Конституциялари ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади.

Туманлар, шаҳарлар ташкил қилиш ва уларни тугатиш, шунингдек, уларнинг чегараларини ўзгартириш Жоқарғи Кенгес томонидан амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикасининг Жоқарғи Кенгеси олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади. Жоқарғи Кенгес ҳудудий сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида беш йил муддатга сайланадиган депутатлардан иборат. Конституциянинг 70-моддасида Жоқарғи Кенгеснинг мутлақ ваколати қайд қилинган.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши давлат ҳокимиятининг олий ижро этувчи — бошқарувчи органи ҳисобланади. Вазирлар Кенгаши Жоқарғи Кенгес томонидан тузилади. Вазирлар Кенгаши Раисининг ваколатлари Конституциянинг 88-моддасида белгиланган. Вазирлар Кенгаши иқтисодиётнинг ижтимоий ва маънавий соҳасининг самарали фаолиятига раҳбарликни ҳамда Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Республикасининг қонун ва норматив ҳужжатлари ижросини таъминлайди.

Туман ва шаҳар ҳокимлари Вазирлар Кенгаши Раисининг тақдимига мувофиқ Жоқарғи Кенгес Раиси томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади ҳамда тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Қорақалпоғистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади.

Конституциянинг 25-боби прокуратурага бағишланган бўлиб, унда Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Қорақалпоғистон Республикаси прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга ошириши белгиланган. Бундан ташқари, Конституцияда инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари, бурчлари ва демократик тамойиллари ўз ифодасини топган.

Қорақалпоғистон Республикаси қонунларининг асосий манбаси ҳисобланган Конституция ҳозирги вақтда кўп миллатли республика фуқароларининг фаровон яшаши, тинчлиги, миллий тотувлиги ва осойишталигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

**Янгибой БОБОЖОНОВ,**
**Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси Ташкилий-назорат ва таҳлилот бўлими бошлиғи**

# САМАРАДОРЛИК ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ ШАРТИ

**Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар жараёни тобора чуқурлашиб, барча соҳаларда ўз самараларини кўрсатмоқда. Йирик ишлаб чиқариш корхоналарини модернизация қилиш, хизмат кўрсатиш тармоғи корхоналарида сифат ҳамда самарадорликка эришиш, экспортга мўлжалланган товарлар кўламини кенгайтириш бугуннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади. Бу жараённи транспорт воситалари хизматисиз тасаввур қилиш қийин. Узоғимизни яқин, оғиримизни енгил қилиш йўлида беминнат кўмакчи бўлган транспорт воситалари барча жабҳалар ривожланишида муҳим ўрин тутади. Халқ хўжалигининг қон томирлари бўлган темир йўл, учар гиламлар тимсоли ҳаво транспортида ҳаракат ва улардан фойдаланиш қоидаларига риоя этилишини таъминлаш одамлар хавфсизлиги, давлат ва жамоат мулкини асраш, шунингдек транспорт воситаларидан самарали фойдаланишнинг муҳим шарти бўлиб хизмат қилади.**

Оролбўйи транспорт прокуратураси томонидан ўтган йили ва жорий йилнинг дастлабки икки ойи давомида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, аҳолининг ижтимоий ҳимояси, меҳнат ва бандлик, соғлиқни сақлаш, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг кафолатлари, давлат мулки ҳамда бюджет маблағларининг сарфланиши, банк фаолияти ва нақд пул муомаласи, тўлов интизомини мустаҳкамлаш, йўловчиларга намунали хизмат кўрсатиш, вагонларнинг бекор туриб қолиши, энерго ресурсларнинг сақланиши ва сарфланиши, ҳаракат ва учиш хавфсизлигини таъминлаш борасида қатъий режа асосида текширишлар ўтказилиб келинмоқда.

Текширишлар натижасига кўра, қонунга зид равишда қабул қилинган қарор ва буйруқларга 150 та протест, қонунбузилиш ҳолатларини бартараф қилиш юзасидан 259 та тақдимнома киритилиб, мингдан зиёд шахсга нисбатан маъмурий, интизомий ва моддий жавобгарликка тортиш тўғрисида қарорлар қабул қилинди. Жиддий қонунбузилишлар юзасидан 38 та жиноят иши қўзғатилди. Фуқаролик ишлари бўйича судларга 11 млн. сўмликдан зиёд 95 та регресс даъво аризалари келтирилди. Бундан ташқари, қонунбузилиш ҳолатлари оқибатида давлатга етказилган 12 млн. 21 минг сўмлик моддий зарарлар ихтиёрий равишда ундирилди.

Транспорт хизмати кўрсатувчи корхоналарнинг самарали фаолият кўрсатиши, хизмат сифати ва савиясини замонавий талаблар даражасида ташкил этиши учун, аввало иқтисодий имкониятларни кенгайтириш зарур бўлади. Бунинг учун эса, кўрсатилган хизмат учун ҳисоб-китобларни ўз вақтида амалга оширилиши муҳим ҳисобланади. Оролбўйи транспорт прокуратураси томонидан Республика Президентининг «Халқ хўжалигида ҳисоб-китобларни ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони ижроси юзасидан Қўнғирот минтақавий темир йўл узелида ўтказилган текширишда корхонанинг юк ташиш билан боғлиқ жараёнлар учун йил бошига дебитор қарздорлик суммаси 2 млрд. 285 млн. сўмни ташкил қилиб, шундан 565,2 млн. сўмлик тўловнинг муддати ўтгани аниқланди. Таҳлилларнинг кўрсатишича, қарздорликнинг аксарият қисми «Ўзагрокимётаъминот», «Ўздонмаҳсулоти», «Пахтасаноат», «Ўзавтойўл» ва «Ўзкимёсаноати» тизими ҳудудий корхоналари ҳиссасига тўғри келади.

Корхоналарнинг муддати ўтган дебитор ва кредитор қарзларини бартараф қилиш юзасидан судларга 400 млн. 782 минг сўмлик 17 та даъво аризалари келтирилиб, тўлиқ ундирилди. Оролбўйи транспорт прокуратураси томонидан олиб борилган тадбирлар натижасида ўтган йили транспорт корхоналарининг жами 1 млрд. сўмликдан зиёд дебитор қарзлари ундирилишига эришилди. Йилнинг ўтган икки ойи мобайнида эса 87 млн. сўмлик дебитор қарзлар ихтиёрий равишда ундирилди.

Ҳозирда ўзаро тўлов интизомини мустаҳкамлашга қаратилган қонунлар ижроси юзасидан назоратни кучайтириб, асосий эътибор корхона ва ташкилотларнинг муддати ўтган дебитор қарзларини ундиришга қаратилмоқда. Бу каби тадбирлар соҳада қонунчиликни мустаҳкамлаш, хизмат савиясини юксалтиришда ҳал қилувчи омил бўлиши шубҳасиз.

**Абдумажид МАГАМЕДОВ,**
**Оролбўйи транспорт прокурори**

## ТАЛАБ БАРЧАГА БАРОБАР

***Менинг уйимда турган электр ҳисоблагични электр назоратчилари келиб кўриб, ҳисоблагични Ўзстандартдан ўтказиш керак дейишаяпти. Уларнинг талаби тўғрими?***

**Д.ЖАББОРОВ,**
**Зомин тумани**

Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 27 январдаги 32-сонли қарори билан тасдиқланган «Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари»да белгиланишича, истеъмолчи томонидан фойдаланилган электр энергиясини ҳисобга олиш учун «Ўзстандарт» агентлиги ёки унинг ўлчов воситаси турини тасдиқлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг сертификатига эга бўлган ҳудудий бўлинмалари томонидан рўйхатдан ўтказилган ҳамда электр энергиясини ҳар бир сутканинг камида тўртта вақт даври бўйича алоҳида ҳисобга олиш имконини берадиган кўп тарифли ҳисоблагичлар ёки ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимлари қўлланилиши мумкин.

Тўлов ҳисоблагичлари билан биргаликда фойдаланиладиган ҳисоб-китоб электр ҳисоблагичлари ва ўлчов трансформаторлари (шунингдек синов блоклари, ўтувчи клеммниклар қопқоқлари, кучланишни ажратувчи ўлчов трансформаторлари симлари) кожухлар маҳкамланган жойида ва ҳисоблагич клеммник қопқоғида «Ўзстандарт» агентлигининг ёки унинг ҳудудий бошқармасининг ва энергия таъминоти ташкилотининг белгиланган намунадаги пломбаси бўлиши керак.

Электр ҳисоблагичлар ва ўлчов трансформаторларини вақти-вақти билан текшириш «Ўзстандарт» агентлиги томонидан белгиланган муддатларда истеъмолчининг маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

## ЭҲТИЁТСИЗЛИК ОҚИБАТЛАРИ

***Тажрибасизлик, эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этилган бўлса, бунга айбдор бўлган шахсга энг кам иш ҳақининг 400 баробари миқдорида жарима, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, уч йилга ахлоқ тузатиш ишлари (20 фоиз давлатга ишлаб бериш) каби жазолар қўлланилиши оғир бўлмайдими?***

***Қўлланилган жаримани тўлашга қурби етмаса, қандай йўл тутиш мумкин?***

***Ушбу жазо амнистия актига кўра олиб ташланадими?***

**Ш.САМИҒОВ,**
**Наманган шаҳри**

Жиноят кодексининг жазо тизимида жарима ва ахлоқ тузатиш ишлари асосий жазо турларидан саналади. Шу сабабли улар бир вақтнинг ўзида битта шахсга нисбатан қўлланилмайди. Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси эса қўшимча жазо тури сифатида қўлланилиши мумкин.

Ҳукмнинг жарима солиш, фуқаровий даъвони қаноатлантириш ёки келтирилган зиённи қоплаш қисмининг ижро этилишини олти ойгача кечиктириш ёки тўловларни бўлиб-бўлиб тўлаш масаласини судья ишнинг муайян ҳолатларини ва маҳкумнинг моддий аҳволини эътиборга олиб ҳал қилади.

Агар ҳукмни ижро қилиш давомида қўлланилган жазони ўташга тўсқинлик қилувчи ҳолатлар мавжуд бўлса (моддий қийинчилик, касаллик) белгиланган жазодан озод қилиш ёки уни бошқа жазо тури билан алмаштириш тўғрисидаги илтимос билан ҳукм чиқарган судга мурожаат этиш лозим.

ЖКнинг 44-моддаси талаби бўйича, агар ҳукм қилинган шахс жазо тариқасида тайинланган жаримани мажбурий ижро этиш учун белгиланган муддатларда тўлашдан бўйин товласа ёхуд қарздорда ундирув қаратилиши мумкин бўлган мол-мулк мавжуд эмаслиги туфайли мажбурий ижро этиш учун белгиланган муддат мобайнида жаримани ундиришнинг имкони бўлмаса, худди шунингдек кечиктириш муддати тугаганидан кейин жарима тўланмаган ёки жаримани бўлиб-бўлиб тўлаш шартлари бузилган тақдирда, суд жариманинг тўланмаган миқдорини ахлоқ тузатиш ишлари, хизмат бўйича чеклаш, қамоқ ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо билан алмаштиради. Бундай ҳолда ахлоқ тузатиш ишлари ёки хизмат бўйича чеклаш ёхуд озодликдан маҳрум қилишнинг ҳар бир ойи энг кам ойлик иш ҳақининг ўн олти баравари миқдоридаги жаримага тенглаштирилиб, уч йилдан кўп бўлмаган муддатга, қамоқнинг ҳар бир ойи эса, энг кам ойлик иш ҳақининг юз баравари миқдоридаги жаримага тенглаштирилиб, олти ойдан кўп бўлмаган муддатга тайинланади.

Эълон қилинган амнистия акти асосида сиз содир этган жиноят учун белгиланган асосий ва ижро этилмаган қўшимча жазолардан озод қилиниши ёхуд жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиниши ёки унга тайинланган жазонинг ўталмай қолган қисми енгилроқ жазо билан алмаштирилиши назарда тутилиши мумкин.

## ЖАРИМАНИ ҚАНДАЙ ТЎЛАЙМАН?

***2008 йили туман электр тармоқларидан (ТЭТ) деб таништирган бир назоратчи уйимизга келиб, электр ҳисоблагич кам ишлаяпти деган важ билан далолатнома тузиб, ҳеч кимга имзо қўйдирмасдан судга ошириб юборган. Аслида эса токни эрталаб 1 соат, кечқурун 3 соат беришади холос. Электр ҳисоблагич мунтазам равишда ишлаб туради. Қарздорлик ҳолатини билиш мақсадида ТЭТ юристига учрашсам, у шу пайтгача юборилган огоҳлантириш хатлари юзасидан келмадингиз, шунинг учун судга юбордик дейишдан нарига ўтмади. Ҳақиқатда эса ҳеч қандай огоҳлантириш хатлари келмаган.***

***Далолатномани нечта одам имзо қўйиб тасдиқлаши керак?***

***Суд айбдорни судга чақирмасдан туриб қарор қабул қилиши мумкинми?***

***Суд қароридан бир нусха айбдор шахсга ҳам берилиши керакми ёки йўқми?***

***Суд қўллаган жаримани вақтида тўлашга имконим бўлмаса, иш ҳақимдан ойма-ой тўлаб борсам бўладими?***

**А.ҚОРАҚУЛОВ,**
**Қизириқ тумани**

Аввало, сиз тилга олган ҳолатда қандай қоида бузилиши назарда тутилаётганлигига аниқлик киритиб олиш лозим. Агар у электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларининг бузилишига доир бўлса, унда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 280-моддасида белгиланган тартибда, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузишга ваколати бўлган шахслар томонидан тузилади. Мазкур модда талабига кўра, бузилиши маъмурий жавобгарликни келтириб чиқарадиган қоидаларга риоя этилишини текшириш ва назорат қилиш қонун ҳужжати билан зиммасига юклатилган тегишли органнинг ваколатли мансабдор шахси маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомани тузади.

Баённома уни тузган шахс ва маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс томонидан имзоланади, гувоҳлар бўлган тақдирда эса баённома мазкур шахслар томонидан ҳам имзоланади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор ишни кўриб чиқиш тугаши биланоқ дарҳол эълон қилинади.

Қарорнинг нусхаси уч кун ичида устидан шу қарор чиқарилган шахсга, шунингдек ўзининг илтимосига кўра жабрланувчига топширилади ёки жўнатилади.

Қарорнинг нусхаси тилхат билан берилади, башарти қарорнинг нусхаси жўнатилса, бу ҳақда ишга тегишли ёзув ёзиб қўйилади.

ФПКнинг 224-моддаси талаби бўйича, суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тартибда хабардор қилинган жавобгар суд мажлисига келмаган тақдирда, даъвогар эътироз билдирмаса, иш сиртдан иш юритиш тартибида кўрилиши мумкин. Ишни бундай тартибда кўриш ҳақида суд ажрим чиқаради. Жавобгар тегишли тартибда хабардор қилинганлиги ҳақида ишда маълумот бўлиши лозим.

Суд мажлисига барча жавобгарлар келмаган тақдирда иш сиртдан кўрилиши мумкин.

Суд мажлисига келмаган тарафга сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорининг нусхаси шу қарор чиқарилган кундан эътиборан беш кундан кечиктирмай юборилади.

Жавобгар ҳал қилув қарорини сиртдан чиқарган судга шу ҳал қилув қарори чиқарилганидан кейин ўн беш кун ичида уни қайта кўриш ҳақида ариза беришга ҳақли. Агар, бундай қарор устидан ҳеч қандай ариза ёки шикоят берилмаса жарима ҳуқуқбузар томонидан унга жарима солиш тўғрисидаги қарор топширилган кундан бошлаб ўн беш кундан кечиктирмай, бундай қарор хусусида шикоят берилган ёки протест билдирилган тақдирда — шикоят ёки протест қаноатлантирилмаганлиги тўғрисида хабар берилган кундан бошлаб ўн беш кундан кечиктирмай тўланиши лозим.

Агар жарима ушбу муддат ичида тўланмаса, жарима солиш тўғрисидаги қарор суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган қоидаларга мувофиқ, жарима ҳуқуқбузарнинг иш ҳақи ёки бошқа маошидан, нафақасидан ёки стипендиясидан мажбурий тартибда ундириб олиш учун юборилади.

Башарти жарима солинган шахс ишламаётган бўлса ёхуд жаримани ҳуқуқбузарнинг иш ҳақи ёки бошқа даромадидан, пенсияси ёки стипендиясидан ундириб олишнинг иложи бўлмаса, уни ундириб олиш суд ижрочиси томонидан жарима солиш тўғрисида тегишли орган (мансабдор шахс) чиқарган қарор асосида ҳуқуқбузарнинг мулкидан, шунингдек умумий мулкдаги унинг ҳиссасидан ундириб олиш йўли билан амалга оширилади.

***Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ходимлар, иш берувчилар, давлат манфаатларини эътиборга олган ҳолда, меҳнат бозорининг самарали амал қилишини, ҳаққоний ва хавфсиз меҳнат шарт-шароитларини, ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари ва соғлиғи ҳимоя қилинишини таъминлайди, меҳнат унумдорлигининг ўсишига, иш сифати яхшиланишига, шу асосда барча аҳолининг моддий ва маданий турмуш даражаси юксалишига кўмаклашади.***

**(Меҳнат кодексининг 2-моддаси).**

## ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ПЕНСИЯГА

***Мен ишлаб келган корхона тугатилганлиги сабабли ишсиз қолдик. Лекин кадрлар бўлими бошлиғини айтишича, бундай ҳолларда, пенсия ёшига етиб қолганлар тўғридан-тўғри пенсияга чиқиб кетишлари мумкин экан. Шу тўғрими?***

***Агар тўғри бўлса, бу қайси қонунда қайд этилган?***

**С.МУРОДОВ,**
**Тошкент шаҳри**

Ўзбекистон Адлия вазирлигида 1999 йилнинг 7 январида рўйхатга олинган «Алоҳида асосларга кўра меҳнат шартномаси бекор қилинганда ишдан бўшатилган ходимларга муддатидан олдин пенсия тайинлаш тартиби тўғрисида»ги 588-сонли Йўриқнома талабига кўра, технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги ёхуд корхонанинг тугатилганлиги муносабати билан ишдан озод этилган ва туман (шаҳар) Бандликка кўмаклашувчи маркази томонидан белгиланган тартибда ишсиз деб эътироф этилган, пенсия таъминоти тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ пенсияга чиқиш учун талаб этиладиган умумий меҳнат стажига эга бўлган, яъни муддатидан олдин пенсия суғурта қилинган ва умумий меҳнат стажи йигирма беш йилдан кам бўлмаган 58 ёшдан 60 ёшгача бўлган эркаклар, умумий меҳнат стажи йигирма йилдан кам бўлмаган 53 ёшдан 55 ёшгача бўлган аёлларга (қонун ҳужжатларида белгиланган умумий асосларга кўра пенсия тайинлаш муддатидан икки йил олдин) пенсия тайинланади.

Лекин бунинг учун аввал бундай шахслар меҳнат шартномаси бекор қилинган кундан сўнг ўн кун ичида ўзларининг яшаш жойидаги Бандликка кўмаклашиш марказига иш қидирувчи шахс сифатида мурожаат қилсалар, Бандликка кўмаклашиш маркази ходимлари бундай шахсларга уч ой муддат ичида, агарда улар ўн календарь кундан кейин мурожаат қилсалар ўн кун муддат ичида мақбул келадиган ишни топишда ёрдам беришлари керак.

Агар иш қидирувчи шахсларга Бандликка кўмаклашиш маркази томонидан тилга олинган муддат ичида икки марта мақбул келадиган иш таклиф қилинмаса, бундай ҳолда улар иш қидирувчи шахс сифатида рўйхатга олинган кундан бошлаб ишсиз деб эътироф этиладилар.

Меҳнат бўлими ишсиз деб эътироф этилган ва муддатидан олдин ёшга доир пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларга 4-шаклдаги тақдимнома тайёрлайди ва 5 кун муддат ичида тегишли туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимига топширади.

Меҳнат бўлими томонидан берилган тақдимнома ижтимоий таъминот бўлими томонидан муддатидан олдин ёшга доир пенсия тайинлашга асос бўлиб ҳисобланади.

Муддатидан олдин тайинланган пенсиялар ишламайдиган фуқароларга тўланади. Бундай пенсияни олаётган фуқаролар умумий асосларда пенсия олиш ёшига (эркаклар 60 ёшга, аёллар 55 ёшга) етгунга қадар ишга кирган ҳолларда муддатидан олдин пенсия тўлаш тўхтатилади.

**ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙ!** Ўзингизни қизиқтирган ҳуқуққа оид саволларингиз бўлса бизга мурожаат қилинг. Уларга тажрибали ҳуқуқшунослар жавоб беради. Саволларингизни «Ниқиқ» газетасининг «huquq97@mail.ru» электрон почтаси орқали юборишингиз ёки 233-26-62 телефон рақамига қўнғироқ қилиб беришингиз ҳам мумкин.

**Саволларга ҳуқуқшунос**
**Дониёр ХАЛИЛОВ**
**жавоб берди**

**Шерзод билан Севаранинг тўйи эсда қоларли бўлди. Ўша куни ҳамма чин дилдан яйради, ўйнади-кулди. Икки ёшга бахт тилаб келувчи меҳмонларнинг эса сира адоғи йўқ эди.«Бирбирига жуда мос, худди узукка кўз қўйгандек. Худо хоҳласа, бахтли бўлишади» дея алқашди уларнинг тўйига гувоҳ бўлганлар. Аммо... Шерзод билан Севара бахтли бўла олмадилар. Тўғри, дастлаб улар тинч-тотув, аҳил яшадилар. Севара аввалига бахт излаб келган хонадонида яйраб-яшнади. «Қўлли-оёқли»лиги боис оила аъзоларининг кўнглига йўл топди. Хуллас, Севара келин бўлиб тушган оиланинг ҳақиқий аъзосига айланди.**

ўғлим ёмон, дейди?! Шўрлик аёл қийноқлар, ўйлар гирдобида қолган эди. Ўз ёғига ўзи қоврилиб юрган кезларида яна Шерзоддан калтак еди. Бу сафар Севара чидаб тура олмади. Боласини олиб, отасиникига кетиб қолди. «Токайгача чидайман. Ахир мен ҳам инсонман-ку. Яхшиси кетганим маъқул».

Дарвоқе, Севара аразлаб ота уйига келганидан сўнг маҳалла оқсоқоллари ўртага тушиб, уни Шерзоднинг ёнига қайтаришгач, оилада бир мунча тинчлик-хотиржамлик ҳукм сурди. Аммо, бу осойишталик ҳам вақтинча экан. Севара ҳар сафар жанжалдан кейин от асининг уйига кетиб қоладиган одат чиқарди

Бир гал Шерзод билан Севара ўртасида яна гап қочди. Калтакланган аёл отасиникига жўнади. Табиийки, ҳар гал Севаранинг аҳволини кўриб, отасининг жаҳли чиқар эди. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Шу боис у куёви билан гаплашиб отасининг уйига бора олмасди. У ўз хоҳиши билан ярашгани боис ҳаммасига чидашга мажбур. Аммо қачонгача? Буни ўзи ҳам билмасди.

Орадан кунлар, ойлар ўтди. Севара бошини қайси тошга уришини билмасди. Ахийри, унинг ҳаётдан тамомила умиди узилди. Қатъий қарорга келгач, ўзи учун охирги чорани қўллади...



# СЎНГГИ ҚАРОР

Бироқ, кутилмаганда бу оилани тинчлик-хотиржамлик тарк этди. Нега? Нима сабабдан? Буни ҳеч ким билмайди. Билганлари шуки, икки ёш арзимаган нарсага келишолмай, ўртада турли хил низолар чиқа бошлади. Улар ўртасидаги келишмовчиликлар ўткинчи, вақт ўтиб ҳаммаси унутилиб кетади, деганлар қаттиқ янглишгандилар.

Эридаги салбий ўзгаришларни Севара дарҳол пайқаган эди. Бўларбўлмасга камситишлар тобора унинг жонидан ўтиб борар, аммо барчасига чидашга мажбур эди. Фарзанди учун ҳам кўрганларига кўз юмиб кетишга ҳаракат қиларди.

Эрининг муомаласи-ю, ҳаётнинг бешафқат зарбаларидан ўзини йўқотиб қўйган Севара дардини кимга тўкишни билмасди. Бориб ота-онасига айтай деса, уларнинг ҳаловатини бузгиси йўқ. Қайнонасига айтай деса, қайси она менинг қўймоқчи бўлди.

— Севарани нима сабабдан урдинг? Ёшагинг келмаётган бўлса айт, лекин унга қўл кўтарма.

— Қизингиз керак бўлса, йиғиштириб олинг! — Шерзод уэр ўрнига жаҳл билан қайнотасига ўдағайлади.

Қаҳру ғазаб отига минган Неъмат ака қизининг юкларини машинага жойлади-да, йўлга отланди. Шундан сўнг Севара ота уйида яшай бошлади. Шерзодва Севаралар оиласи қариндош бўлиб, улар аввалдан бир-бирларини яхши билишар, ўртадаги қариндошлик қудачилик ришталари билан боғланган эди. Энди эса бу риштага дарз кетмоқда.

Орадан бир қанча вақт ўтгач, қишлоқ оқсоқоллари яна уларни яраштириб қўйдилар. Оилада яна бир қизалоқ дунёга келди. Аммо муҳит ўша-ўша эди. Энди Севара

Олов ичида қолган аёл жонининг оғриётганидан ингграр, кимларнидир ёрдамга чақирар эди...

Мавлуданинг тўсатдан ҳовлини бошига кўтариб бақириши атрофидагиларни сергак торттирди. «Нима бўлди? Нега бунча асабий бақиряпти?» Робия опа ҳайрон бўлиб, ҳовлиққанча уйга югурди.

Биринчи тиббий ёрдам кўрсатилгач, эртаси куни дорихонада ишлайдиган қариндошларини чақирдилар. Улар Севарани кўздан кечиришгач, шошилинч равишда касалхонага олиб бориш кераклигини айтишди. Бироқ, Севара буни истамади.

Азобли, оғриқли кунлар бирин кетин ўтар, аммо Севаранинг тузалиб оёққа туриб кетишидан дарак йўқ эди. Қамбарой опа қизининг бу ҳолга қандай тушганини билмас, сўраган чоғида Севара ҳеч нарса айтмай унсизгина йиғлар эди.

Қайнонасининг ташрифидан боши кўкка етган Севара уни иложи борича очиқ юз билан кутиб олишга ҳаракат қилди. Ўзаро ҳол-аҳволдан сўнг онасидан ташқарига чиқиб туришини, ўзи эса қайнонаси билан гаплашиб олмоқчи эканлигини айтди. Она қизини рад эта олмади. Қайнона-келин нима ҳақида гаплашдилар, ўзаро нимани келишиб олдилар, бу ёғи Қамбарой опага қоронғу эди. Билгани шуки, қудаси чиқиб узоқ йиғлади. Уни овутмоқчи бўлганида эса:

— Севарани ўзим даволатаман. Бунинг учун уни касалхонага олиб бориш шарт эмас. Агар бундан бошқалар хабар топса, ўғлимни қамаб қўйишлари мумкин, — деди.

— Нега ундай дейсиз? Шифохонанинг...

— Сиз тушунмаяпсиз. Шерзод илгари қамалиб чиққан-ку!

– Бу ишларни Шерзод қилмаган бўлса, нега хавотирга тушасиз?

— Билмайман. Барибир қамалганлигини рўкач қилишади. Шунинг учун уйда даволата қолайлик. Хўп денг?

Хуллас, у қудасини кўндирди. Сўнгра ўзи билан Ойиша деган дўхтир аёлни бошлаб келди. Дўхтир аёл Севаранинг соғлиғини кўздан кечиргач: — зудлик билан касалхонага олиб бориш керак. Унинг аҳволи жудаям оғир. Акс ҳолда оёғининг куйган жойларидаги қон томирлар ёрилиб кетиши мумкин, — деди.

Дўхтир аёлнинг гапи онаизорни қўрқитиб юборди. Жиянидан хабар олишга келган тоғаси билан янгаси ҳам унинг аҳволини кўриб йиғлаб юборай дейишди.

— Опа, сиз қанақа аёлсиз? Қаранг, Севаранинг аҳволи ёмон-ку. Касалхонага олиб бориш керак, — деди ташвишли оҳангда Салима янга куйиниб.

Севара касалхонада 10 кун даволанди. Натижа эса ўша-ўша эди. Келинининг ҳолидан хабар олгани келган қайнота билан қайнона эса уни Самарқандга олиб бориш керак, ўша ерда даволатамиз, дея Севарани олиб кетишди.

Севаранинг аҳволи бир мунча яхшилангандай эди. Бундан хурсанд бўлган отаси Самарқанд шаҳрида даволанаётган Севарани яна РШТЁИМнинг Жиззах филиалига олиб келиб қўйди.

Ёмон кунлар ортда қолди. Қизимиз тузаляпти. Худо хоҳласа кўрмагандай бўлиб кетади. Бу кунларни бир тушдек эслаб юради, деб ўйлаганлар қаттиқ янглишган эди. Уч ой қийналган, азобларга дош берган юрак ахийри чарчади. Севара олган тан жароҳатлари туфайли вафот этди. У жажжигина қизларидан умидини узолмай, дунёдан бевақт кетди.

Неъмат Турсунбоевнинг суддаги кўрсатмасидан: — Куёвим билан Севара яхши яшашмади. Шунинг учун ҳам у бир неча марта аразлаб уйга келган эди. Лекин орага маҳалла оқсоқоллари тушиб, уларни яраштириб қўйишди. Шунда ҳам уларнинг ҳаёти тинч, осуда давом этмади. Оқибатда эса... Севара касалхонадалигида қарзимиз кўпайиб кетди. Қариндошлардан олган пулим ҳам соб бўлаётган эди. Шерзоддан дори-дармонга ёрдам беришини сўрадим. У эса бундан бош тортиб, палатадан чиқиб кетди...

Ш.Мавлонов суд давомида айбига тўлиқ иқрор бўлди. Суд унга нисбатан қўзғатилган жиноят ишини ўрганиб чиқиб, уни 6 йилга озодликдан маҳрум этди.

**Насимжон АҲМЕДОВ,**
**Бахмал туман прокурори.**
**Сайёра ЭРГАШЕВА,**
**журналист**

**«Ён қўшни жон қўшни», «Олисдаги қариндошдан яқиндаги қўшни афзал». Топиб айтилган бу ҳикматларнинг нечоғлик ҳақлигига аксарият кишилар ўз турмуш тажрибаларида амин бўлишган. Тўй-маросимлардагина эмас, кундалик юмушларда ҳам қўниқўшнилар бир-бирларининг жонларига оро киришади. Яхши кунларида қувончларига шерик, ёмон кунларида дилларига малҳам бўлишади. Афсуски, турмушда синалган бу ҳикматларнинг мағзини чақмаган, ўзининг ноқобиллигини ўзгалардан кўрадиганлар ҳам бор. Яхшиларга ҳавас қилиб ибрат олиш ўрнига, ҳасад ўтида ковурилиб, фазилатларини ҳам иллатга йўйдиган, тирноқ остидан кир қидириб тегмаганга тош отадиган кимсалар учраб туради. Адоват, хусумат уларнинг ичларини кемириб, адойи тамом қилиб боради. Баъзан эса сиртларига қалқиб чиқиб, бегуноҳ кишилар бошига кулфат келтиради.**

# ХУСУМАТ

Суд залининг панжараси ичида ўтирган «Авазбой» қишлоғилик Ҳусанбой Мирзаев ёш, ишлари юришаётган, қишлоқда, маҳалла-кўйда катта-ю кичикнинг ҳурматини ўрнига қўйиб, обрў-эътибор топаётган Рустамжонни кўрганда ичида ғижинарди. Аёлларининг арзимаган олди-берди устидаги тортишувлари, айтишувлари газаклаб қариндошлик ришталарини хун қилар, роса дўппослаб хумордан чиқмагани учун ўзини ўзи койирди. «Фурсати келиб қолар» дея ўзига тасалли берарди.

Куз. Ҳосил йиғим-терими охирлаб, тўйлар мавсуми бошланган. Кундузи Ҳусанбой қўшни қишлоққа тўйга борди. Йигитларни иймон-инсофга чақириши ҳам фарз, ҳам қарз бўлган, олтмиш ёшни қоралаб қолган мўйсафиднинг ўзи «қўлингиз қайтмасин», дея кетма-кет пиёладаги ароқни симираверди. Уйига маст-аласт кириб бориб тўшакка чўзилди. Шомга яқин уйғонди. Кайфи тарқамаган экани, девор оша Рустамжоннинг уйидан тараладтган мусиқа-қўшиқ қонини қайнатди. Бақириб-чақириб сўкинди. Аламзада кўнглинниг тубига чўкиб ётган қуйқа сиртига қалқиб чиқди. Ошхонадаги пичоқни чангаллаганича важоҳат билан қўшнининг ҳовлисига кириб борди.

— Илгари ҳам бемаҳал магнитофоннинг бор овозини чиқариб қўйиб, асабимни бузиб келган, — дейди судланувчи. — Неча марта «пастлатиб қўйинг» дедим, ўз билганидан қолмади. Ўша куниям «пастроқ қўйиб эшитаверинг-да», деб айтиш ниятида уйига кирдим.

Ҳеч ким йўқ экан. Айвонидаги магнитофонни электр токидан узиб, чиқиб кетаётганимда Рустамжон югуриб келди. Қўлида пичоқ бор эди. Оғзидан боди кириб, шоди чиқди. «Бировнинг уйида нима қиляпсан», дея пичоқ билан менга ташланди. Пичоқ тутган қўлини ушлаб қайирганимда унинг кўксига санчилган бўлса керак...

Ҳусанбойнинг гўё қасдлашиб эмас, ўзини ҳимоя қилаётиб қўшнисининг қўлидаги пичоғини кўксига бехос санчиб қўйгани ҳақиқатдан йироқ эди. Ишдаги ҳолатларга кўра, у Рустамжоннинг уйига кириб борганида кичкинтой эгизаклар — Ҳасан ва Зуҳра ҳовлида ўйнаётганди. «Рустамқаердасан» дея бақирганида қўрқиб кетиб йиғлай бошлашди. Шунинг устига уйидагини устага чархлашга ташлаб келгани туфайли қўшнининг пичоғини сўраб олган Рустамжон кириб келди. Ҳусанбой ака унинг билагига бехос урди. Рустамнинг чап қўлидаги пичоқ ерга тушди. Ҳусанбой ақа шахт билан ўз уйидан олиб чиққан ошхона пичоғини қўшни йигитнинг кўксига санчиб олди.

— Раҳматли Рустамжон билан бир девор қўшнимиз, — деди суд мажлисида гувоҳ М.Ғофуров. — Ўша куни соат бешларда у мендан пичоқ олгани кирди. Ўзининг пичоғини чархлатгани устага бериб келибди. Гаплашиб турганимизда деворнинг ортида Ҳусанбой ака «Рустам қаердасан» дея сўкинди. Ёш болаларнинг йиғиси эшитилди. Рустамжон хавотирланиб уйига шошилди. Жанжал-шовқин кўтарилди. Девор оша қўшнимнинг ҳовлисига қарадим. Ҳусанбой аканинг қўлидаги пичоқни кўрган заҳотим, Рустамжонга «қалтак билан қўлига ур» дедим. Лекин, у кўксини чангаллаб чорбоққа қочди. Ҳусанбой ака пичоқ билан орқасидан югурди. Пичоқни Рустамжонга мен девордан қарагунча санчиб олган экан. Ҳасан билан Зуҳрани уйимга олиб чиқиб юпатдим.

Кўксидан яраланган Рустамжон бошқа бир қўшнисининг ҳовлисига девор ошиб ўтган эди.

— «Энахон опа», дея чақирди, — деди гувоҳ Э.Юсупова. - Ҳовлига чиқсам, чап кўксини чангаллаб турибди. «Нима бўлди», деб сўрадим. «Ҳусанбой ака пичоқ урди», деди. Рўмол билан қон оқаётган кўксини боғлаб қўйдим.

Шундан сўнг Рустамжон судда гувоҳлик берган А.Тоштемировга учраб, «Ҳусанбой ака пичоқлаб қўйди, касалхонага олиб боринг» дейди. Шифохонада уни жарроҳлик столига ётқизишди. Бироқ мулажа бесамар кетади. Келаси куни оғир тан жароҳати олиб, кўп қон йўқотган Р.Набиев ҳаётдан бевақт кўз юмади.

Судланувчи айбини хаспўшлаш ниятида яна битта асоссиз важ келтирди: — Рустамжон билан олишаётганимда ҳеч ким йўқ эди. Ёш болаларни кўрмаганман.

Вояга етмаган Ҳасан судда онаси иштирокида кўрган- эшитганларини айтиб берди.

— Уйда дадам йўғиди. Қўшни чиқиб бизни сўкди. Йиғлаётганимизда дадам келди. Қўшни дадамга пичоқ урди. Дадам қочди.

Шунингдек, дастлабки терговда Ҳусанбой Мирзаев уйига тўйдан маст бўлиб келгани, магнитофон овозидан жаҳли чиқиб, пичоқ билан қўшниси Р.Набиевнинг уйига киргани, фарзандларининг олдида унинг кўксига пичоқ урганини айтиб, ёзиб берган эди.

Шу тариқа суд жараёнида инкор этиб бўлмас далиллар орқали Ҳ.Мирзаев қўшниси Р.Набиевни болалари кўз ўнгида ўта шафқатсизлик билан пичоқлаб ўлдиргани исботланди. Суд қотилни 18 йилга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилди.

Ҳ.Мирзаев кир кўнглида сақлаб юрган кек, хусумат газаклаб, охир-оқибат қўшнисининг умрига зомин бўлди.

**Анваржон ХАПИЗОВ,**
**Фарғона вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси**



# ФУХИМОРИГА ЯНА 25 ЙИЛ БЕРИЛДИ

Махсус трибунал Перунинг собиқ президенти Альберто Фухиморини 25 йил қамоқ жазосига ҳукм қилди. Ҳукм эълон қилингач, Фухимори трибунал ҳукмини ноқонуний деб баҳолаб, апелляция инстанциясига мурожаат қилишини билдирди. Аввалроқ суд собиқ президент давлат раҳбари лавозимида фаолият кўрсатган даврларида инсон ҳуқуқларини поймол этганликда айбдор деб топган эди.

2008 йилнинг ноябрида 70 ёшга тўлган Фухимори, 1990 йилдан 2000 йилгача 10 йил давомида Перу президенти лавозимида меҳнат қилган. 1990 йиллар бошида Перуда ўша вақтда авж олган сўл революцион ҳаракатларини бостириш учун Фухимори кескин чораларни қўллаган, хусусан концентрацион лагерлар ва ёпиқ ҳарбий судлар ташкил этган. Судда ўша вақтдаги айрим ҳолатлар кўриб чиқилди, холос. Жумладан, Перу пойтахти Лима яқинидаги шаҳарчада махсус ҳарбий отряд томонидан 15 кишининг ўлдирилиши, улар орасида саккиз ёшли болакай ҳам бўлганлиги, шунингдек университетнинг профессори ва тўққиз нафар талабанинг ўғирланиши ҳолатлари кўриб чиқилди. Бундан ташқари, Фухимори журналист ва ишбилармоннинг ўғирланишини ташкиллаштирганликда ҳам айбдор деб топилди.

Мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш жинояти учун 6 йиллик жазо муддатини ўтаётган собиқ президент устидан суд жараёни 15 ой давом этиб, мамлакат тарихида энг узун суд жараёни сифатида қайд этилди. Фухимори инсон ҳуқуқларини поймол этиш жинояти учун жавобгарликка тортилган биринчи лотин америкалик раҳбар бўлди.

Рак ва гипертония касалликларига дучор бўлган Альберто Фухиморини коррупция жиноятини содир этганлик айблови билан яна икки суд жараёни кутмоқда. Фухиморининг қизи Кейконинг таъкидлашича, отасига чиқарилган ҳукм, уни 2011 йилда бўлиб ўтажак президентлик сайловларида ғолиб бўлишга ундамоқда. Кейко, агарда сайловларда ғолиб чиқса отасини авф этишини билдирди, деб хабар қилади «AFP» ахборот агентлиги.

# Террорчилар қўлга олинди



«Саудия Арабистонининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари «Ал-Қоида» террорчилик гуруҳи билан алоқадорликда гумон қилинган 11 кишини ҳибсга олди», деб хабар қилади «France Presse» ахборот агентлиги. Гумонланувчилар мамлакатнинг жанубида Яман билан чегарадош ҳудудда ушланган. Ҳибсга олиш вақтида улардан кўп миқдорда қурол-яроғ ва аслаҳа олиб қўйилган.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вакилининг айтишича, ушланганлар «Ал-Қоида» бошчилигида фаолият олиб борган йирик террорчилик гуруҳини ташкил этганлар. Гуруҳ аъзолари Саудиянинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ходимларига қарши террорчилик хуружларини тайёрлаш ва амалга ошириш, одамларни ўғирлаш каби жиноятлар билан шуғулланишган.

Таъкидлаш жоизки, 2009 йилнинг февралида Саудия Арабистони ҳукумати «Ал-Қоида» террорчилик гуруҳи билан алоқадорликда айбланиб, бутун дунё бўйлаб қидирилаётган 85 кишидан иборат рўйхатни эълон қилди. Шундан сўнг тез орада халқаро террорчилик гуруҳи етакчиларидан бири Фахад ал-Равуили ўз хоҳиши билан полицияга таслим бўлган. Ўша рўйхатда ушланган 11 киши бўлганми, йўқми, ошкор этилмаяпти.

# Қотилликлар фош этилмоқда



АҚШ федерал тергов бюроси кетма-кет қотилликлар ва узоқ йўлга юрадиган ҳайдовчилар ўртасида алоқа мавжудлигини тахмин қилмоқда. «Los Angeles Times» газетасида ёзилишича, тахмин қилинаётган узоқ йўлга юрувчи ҳайдовчи-қотилларнинг қурбонлари рўйхатида беш юзга яқин аёллар бор.

Ўлдирилганлар асосан фоҳишабозлик билан шуғулланувчи, автостоп билан, яъни бошқа автомашиналарда саёҳат қиладиган ва автомобиль ҳайдайдиган аёллардир. Уларнинг жасадлари охирги 30 йил ичида юк ташувчи машиналар турар жойлари, трассалар устидаги меҳмонхоналар яқинида ва серқатнов шоссенинг бошқа жойларидан топилган.

Федерал тергов бюроси томонидан Оклахомадаги «Интерштат 40» шоссеси бўйларида ҳамда бошқа штатларда содир этилган жиноятлар очилмаганидан сўнг беш йил аввал ушбу тахмин устида иш олиб борила бошланди. Шубҳали жиноятлар ва тахминий гумонланувчилар «Шоссилардаги кетма-кет қотилликлар бўйича дастур» доирасида кузатиладилар.

Дастур раҳбари Майкл Харриганнинг айтишича, ФТБ аҳоли тураржойларида ишларни мувофиқлаштиришда ва ташкиллаштиришда полицияга кўмаклашмоқда. Дастур жорий этилиши давомида 30 та қотилликни содир этганликда гумон қилинган 10 киши ҳибсга олинган. Уларнинг орасида тўрт кишини ўлдирганликда айбланаётган, Теннесида ушланган ҳайдовчи ва Массачусетс ҳамда Нью Жерсида қотилликларни содир этганликда айбланаётган шериги ҳам бор. Теннесидан ушланган узоқ йўлга юрувчи ҳайдовчи-маньяк 56 ёшли Брюс Менденхоллдир.

# Жазо муддати қисқартирилди



Ироқ апелляция суди АҚШ президенти Жорж Бушга ботинка отганлиги учун жавобгарликка тортилган журналист Мунтазир ал Зайдининг қамоқда сақланиш муддатини уч йилдан бир йилга камайтирди. «AFP» ахборот агентлигининг маълум қилишича, суд айрим енгилликлар беришда маҳкумнинг ёшлигини (Мунтазир ал Зайди 30 ёшда), аввал судланмаганлигини, шунингдек, қамоқхонада ўзини яхши тутишини эътиборга олган.

Мунтазир ал Зайди 14 сентябр куни озодликка чиқиши лозим. У қамоқхонада умумий ҳисобда уч ой ўтирди. Бундан ташқари, Ироқ қонунларига мувофиқ, қамоқхонанинг бир йили 12 ой эмас, балки 9 ойдан иборатдир.



# Мулоқотнинг янги поғонаси

Куба революцияси етакчиси Фидель Кастро кўп йиллар давомида илк бор АҚШнинг расмий делегацияси билан учрашди. «Associated Press» ахборот агентлигининг хабар беришича, 82 ёшли Кастронинг америкалик қонун чиқарувчилар билан суҳбати 2006 йилда бошидан ўтказган оғир жарроҳлик операциясидан сўнг ғарб сиёсатчилари билан олиб борган биринчи мулоқоти бўлди.

Фидель Кастро Барбара Ли бошчилигида Кубага расмий ташриф буюрган делегация ичидаги АҚШ демократик партиясининг бир нечта конгрессменлари билан учрашди. Суҳбатда иштирок этган қонун чиқарувчиларнинг айтишича, Фидель Кастро ўзини жуда яхши ҳис этмоқда, шунингдек фикрлаши ҳам аввалгидек терандир.

Бундан аввал америкалик қонун чиқарувчилар билан Кубанинг ҳозирги президенти Рауль Кастро учрашган. Бу АҚШдан келган расмий делегация ва Кубанинг ҳозирги раҳбарияти ўртасидаги илк мулоқот бўлди. Учрашув чоғида томонлар келажакда икки давлат раҳбарлари ўртасида расмий музокаралар ўтказиш масаласини муҳокама қилишган.



# ВЕРТОЛЁТ ЙЎҚОЛДИ

Филиппинда мамлакат президенти Глория Макапагал Арройонинг ёрдамчиларини ташиб юрган вертолёт йўқолди. «Associated Press» ахборот агентлигининг хабар беришича, бортида Арройонинг беш нафарга яқин издошлари ва иккита учувчи бўлган вертолёт Багио курорт шаҳри яқинида Кордильер тоғларида йўқолган. Вертолёт Багиодан чиқиб, Ифугао вилоятидаги манзил жойига етиб бормаган. Унинг экипажи алоқага чиқмаяпти. Ҳозирда полиция ва ҳарбийлар қидирув ишларини олиб боришмоқда.

Вертолёт бортида бўлганлар орасида президентнинг ёрдамчиси бригада генерали Карлос Клет, давлат раҳбари матбуот котиби Жосе Кападоса ва Арройонинг кадрлар масаласи бўйича маслаҳатчиси Марилу Фростромлар бор. Улар ва яна бошқа давлат арбоблари Багиодан Ифугаога бориб, у ерда президент ташрифи учун тайёргарлик масалаларини кўриб чиқишлари лозим эди.

# Замонавий «Ал-Капоне» жазога тортилди

Манчестернинг «Gooch Gang» жиноий уюшмасининг раҳбари замонавий «Ал-Капоне» лақабини олган Колин Жойс, 39 йил қамоқ жазосига ҳукм этилди. Ҳукм эълон қилинишидан аввал 29 ёшли Жойс суд жараёнини "уюштирилган томоша" деб таърифлади.

Колин Жойс ва жиноий уюшманинг яна тўрт нафар аъзоси икки қотилликда айбланиб жавобгарликка тортилган эди. Унинг «издошлари»га 32 йилдан 35 йилгача озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланган.

Колин Жойс томонидан бошқариладиган «Gooch Gang» шаҳарда таъсир доирасини кенгайтириш учун рақиби «Longsight Crew» жиноий гуруҳи билан доимий равишда курашиб келган.

«Gooch Gang» фаолиятининг асосий тури — наркотик моддалар савдоси билан шуғулланувчи шахслардан пул ундириш бўлган. 2007 йилнинг мартида Жойс 2001 йилда ноқонуний равишда ўқотар қурол сақлаганлик жинояти учун жазо муддатини ўтаб, қамоқхонадан чиққач, ушбу жиноий гуруҳлар ўртасидаги қарама-қаршилик янада авж олди", деб хабар қилади «Sky News» ахборот агентлиги.

Жойс томонидан ўлдирилган, «Longsight Crew» аъзоларидан бирининг дафн маросимида «Gooch Gang» жангарилари марҳум билан видолашишга келган унинг дўстлари ва яқинларини «гангстерлар усулида» ҳаракатланаётган машина ичидан ўққа тутишган. Жойс ва унинг «издошлари» 2007 йилнинг августида ҳибсга олинган. Полиция вакилининг айтишича, Жойс ва жиноий уюшманинг аъзолари ушлангач, шаҳарда тўқнашувларда ўқотар қуроллар ишлатилиши ҳолати 62 фоизга камайган.



# Қурбонлар сони ошди

«France Presse» ахборот агентлигининг хабар беришича, Италияда рўй берган зилзила қурбонлари сони 235 кишидан ошган. Италиянинг Аквилла шаҳрида рўй берган табиий офат кўплаб оилаларга катта мусибатлар олиб келди. Жадал равишда олиб борилаётган қутқарув ишлари натижасида 42 соат давомида вайроналар остида қолиб кетган 98 ёшли аёл ва бир қизалоқ қутқарилган.

Таъкидлаш жоизки, дастлаб 6 апрелда рўй берган ер силкинишидан сўнг яна бир неча марта бундай ҳолат қайталанган. Табиийки, ҳали вазиятни англашга улгурмаган аҳоли кетма-кет зилзилага рўбарў келган. Бунинг натижасида қурбонлар сони ҳам ортган. Зилзила оқибатида 1500 киши жабрланган, 17 мингтаси эса бошпанасиз қолган. Италия бош вазири Сильвио Берлускониннинг сўзларига қараганда, қидирув-қутқарув ишларида етти мингга яқин тезкор хизмат ходимлари, полициячи ва ҳарбийлар қатнашмоқда. Табиий офат оқибатларини бартараф этиш ишларига 130 миллион евро миқдорида маблағ ажратилган. Берлускони хорижий давлатларга ҳамдардликлари учун миннатдорчилик билдириб, шу ўринда Италияга ҳеч қандай инсонпарварлик ёрдами жўнатмасликка чақирди. Бош вазирнинг таъкидлашича, бу синовдан ўтишга Италиянинг ўз кучи етар экан.

# Пенсионер – қотил

Германиянинг Ландсхут шаҳри маъмурий судида отишма рўй берди. «АР» ахборот агентлигининг хабар беришича, баварияликлик пенсионер ҳеч бир сабабсиз суд биносида ўқотар қуролдан ота бошлаган. Натижада икки киши ўлдирилган, бир неча киши ярадор бўлган.

Воқеа содир бўлгач, дарҳол полиция томонидан суд биноси атрофи қуршаб олиниб, бино ичида бўлган барча ходимлар, суд жараёнида иштирок этишга келганлар хавфсиз жойларга олиб ўтилган. Отишмани уюштирган жиноятчи охири ўз жонига қасд қилган. Дастлабки маълумотларга қараганда, қотил — пенсионер жабрланувчилардан бири билан шахсан таниш бўлган. Тахминларга кўра, у жиноятга шахсий адоват таъсирида қўл урган.

«Internet» хабарлари асосида Д.ЭШМУРОДОВ тайёрлади

Давоми. Бошланиши 8-бетда.



**6-ЎРИНДА** Нью-Йоркдаги (АҚШ) энг катта Rikers Island (Райкэрс Айлэнд) турмаси. Ушбу турма тарихида кўплаб куч ишлатиш ва шафқатсизлик ҳолатларини учратиш мумкин. У ерда жазони ўтаб чиққан кишиларнинг айтишларича, турмадаги аҳвол Нью-Йоркнинг жиноятчилик ривожланган энг хавфли туманларидан ҳам хавфлироқдир. Қўзғолонлар мунтазам бўлиб туриб, махсус бўлинма жангчилари уларни шафқатсизларча бартараф этадилар. Олдинлари турмада назоратчи ва маҳбуслар ўртасидаги тўқнашувлар йилига 1000 тадан ошарди. Назоратчига ёки камерадошига ҳужум қилган маҳбуснинг жазоси қўшимча узоқ муддатга узайтирилишини назарда тутувчи янги қонун кучга кирганидан сўнг тўқнашувлар сони 70 тага тушди.



**5-ЎРИНДА** Найробидаги турма (Кения, Африка). Мазкур муассаса Кениядаги турмалар орасида тўлиб кетганларидан бири ҳисобланади. 800 кишига мўлжалланган турмада 3800 та маҳбус сақланади. Маҳбуслар ухлаш учун тўшаклардан тортиб, тиббий ёрдамгача муҳтожлар. Турмадаги шароит даҳшатли аҳволда эканлиги сабабли маҳбусларнинг вафот этиши ва оғир касалликларга чалиниш кўрсаткичлари ўсиб кетган.



**4-ЎРИНДА** Тадмордаги (Сурия) ҳарбий қамоқхона. Ушбу турмада беш йил сақланган суриялик шоир Фараж Беракдор уни «ўлим ва жиннилик қироллиги» деб таърифлайди. Тадмордаги турмада қийноқлар ўрта асрлар усуллари сингари болта, арқон ва таёқлар ёрдамида амалга оширилиб, айбдорлар ҳам, айбсизлар ҳам бирдек қурбон бўлиши мумкин. Қисқаси, ўрмонга ўт кетса ҳўл-у қуруқ бирдек ёнади.



**3-ЎРИНДА** Париждаги (Франция) La Sante (Ла санте) турмаси. Бу ердаги маҳбуслар жабр-зулмга дучор бўлганларидан ўзларини ўлдириш мақсадида суткалаб бошларини деворга уришга, каламуш заҳарини ичиш ёки вилка ютишгача борадилар. 1999 йилнинг ўзида шундай йўллар билан 124 нафар маҳбус оламдан кўз юмди.

Ла Сантедаги даҳшатли манзаралар ҳақида турманинг бош врачи Вероника Вассер 7 йил давомида ёзиб борган кундалигида маълум қилган. Турмада каламушлар шунчалик кўпайиб кетганки, маҳбуслар барча нарсаларини осиғлиқ ҳолатда сақлашга мажбур бўлишган. Ла Санте 1867 йилда очилган бўлиб, унинг маҳбуслари орасида Пол Верлен ва Гийом Аполлинер каби машҳур кишилар ҳам бўлган.



**2-ЎРИНДА** Колорадо штатидаги (АҚШ) ADX Florence (АДИКС Флоренс) федерал турмаси. Ушбу турмадаги маҳбуслар камераларидан ташқарига ҳафтасига фақатгина 9 соатга чиқариладилар. Қолган вақтни камераларида ўтказиб, ҳаттоки овқатни ҳам ўша ерда ейдилар. Бир суткада атиги 1 соатгина қуёш нурини кўрадилар. Мазкур турманинг яна бир муҳим жиҳати камераларнинг бир-биридан мукаммал ажратиб қўйилганидир. Маҳбусларда бир-бирлари билан мулоқот қилишлари учун ҳеч қандай имконият йўқ.



Мудҳишлиги билан машҳур ўнта қамоқхона орасида биринчи ўрин Бразилиядаги Carandiru (Карандиру) турмасига берилиши мумкин. Карандиру Сан-Паулу шаҳри яқинида жойлашган. Бу ерда содир этилган қўзғолонлардан бирида 102 нафар маҳбус ўлдирилган. Турмада тиббий ёрдам тизими умуман ачинарли аҳволда. Жарроҳлик операциялари пайтида маҳбуслар анестезия ишлатилиши имкониятидан маҳрумлар. Ҳар бешта маҳбуснинг камида бири ОИТС вирусининг ташувчисидир. Турмада сақланаётган 7500 нафар маҳбусга 1000 та турма ходими тўғри келиб, улар тўрт сменада ишлашга мажбурдирлар.

**Инсоният эволюцияси жараёнида қамоқхоналар ҳам тараққиётнинг бир бўлагига айланиб улгурди. Қамоқхонанинг вужудга келиши, биринчидан, башариятда инсонпарварлик ҳисси кучайганлигидан (жиноятчини жамиятдан ажратиб қўйиш қатл этишдан кўра шафқатлироқ), иккинчидан тажрибалироқ (маҳбусларни оммавий ишларга жалб қилиш мумкин) бўлганидан далолат беради. Ундан ташқари қамоқхона алоҳида индустрия ва иқтисодиёт қатлами бўлиб, ҳатто энг либераллашган ҳамда демократик жамиятда ҳам анчагина кишиларни иш ўринлари билан таъминлайди.**

# Муҳим иншоот

## ЁХУД ЗИНДОНДАН МИНОРАГАЧА...

Инсоният эволюцияси жараёнида қамоқхоналар ҳам тараққиётнинг бир бўлагига айланиб улгурди. Қамоқхонанинг вужудга келиши, биринчидан, башариятда инсонпарварлик ҳисси кучайганлигидан (жиноятчини жамиятдан ажратиб қўйиш қатл этишдан кўра шафқатлироқ), иккинчидан, тажрибалироқ (маҳбусларни оммавий ишларга жалб қилиш мумкин) бўлганидан далолат беради. Ундан ташқари қамоқхона алоҳида индустрия ва иқтисодиёт қатлами бўлиб, ҳатто энг либераллашган ҳамда демократик жамиятда ҳам анчагина кишиларни иш ўринлари билан таъминлайди.

Ушбу ўзига хос ижтимоий институтга, унинг ташкил этилиш принципларига, шакли-шамойилига қадимдан файласуфлар ва утопиялар муаллифлари (Аристотелдан то Томас Мор ва Ленинигача) катта эътибор бериб келишган. XVIII асрнинг иккинчи ярмигача қамоқхоналар ишида қуруқ прагматизм ва утилитаризм ҳукмрон бўлган. Маҳбусларни дуч келган жойларда сақлашган. Европада маҳбусларни асосан мудофаа иншоотларида, яъни қалъа ва қасрларнинг минораларида ҳамда черковларнинг омборхона ва ертўлаларида сақлашарди.

XVIII асрнинг охирига келиб Американинг Пенсилвания штатида истиқомат қилувчи обрўли квакерлар (христиан динининг Англия ва Америкада тарқалган бир мазҳабига мансуб киши) сектасига кирувчи бир гуруҳ амалиётчи-утопиячилар инсоният тарихида биринчи маротаба қамоқхона макониниг ташкилий масаласига қаратилган жиддий назария билан чиқишди. Квакерларнинг ғоясига кўра, қамоққа олишдан асосий мақсад маҳбусга ёлғизликда қилмишлари ҳақида ўйлаб кўриш ва пушаймон бўлиш имконини беришдир. Ушбу ғоя асосида қамоқхоналар ҳақидаги илмга "пенитенциар тизим" (ингл. penitens — айбига иқрор бўлиш) атамаси кириб келди. Маҳбусларга якка сақланишлари ва фикр-ўйларини бир жойга тўплаш имкониятини яратиб бериш мақсадида квакерлар уларнинг ҳар бири алоҳида хоналарда сақланиб, хонанинг ўзида бажарса бўладиган иш (асосан бу иш каноп лосини титиш эди) билан таъминлаш таклифини илгари суришди.

Пенсилванча деб аталган ушбу янги тизим XIX асрга келиб кенг тарқалди ва қамоқхона архитектурасида ҳам ўз аксини топди.

1829 йилда англиялик Жон Хэвиленд лойиҳаси асосида Филаделфиянинг чекка жойларидан бирида қурилган Шарқий пенитенциария квакерлар ғоясидаги қамоқхонанинг классик намунаси эди. Пенсилвания тизимининг асосий принципи марказий бинога буклама елпиғич шаклида асосий корпусга туташиб икки флигелда жойлашган бир ва икки кишилик камералардир. Ушбу лойиҳа 1880 йилда россиялик архитектор Павел Козлов томонидан машҳур Лефортов қамоқхонаси қурилишида ҳам қўлланган.

Квакерликлар назарияси билан деярли бир пайтда қамоқхонанинг бошқа бир дизайни ҳам яъни паноптикон (лотин. panopticon — ҳамма нарсани кўрувчи) лойиҳаси ҳам таклиф қилинди. Мазкур лойиҳанинг асосий тарғиботчиси англиялик файласуф Иеремия Бентам эди. Паноптикон айлана шаклидаги бинода панжарали дарчалари ташқарига қараган бир хилдаги камералар жойлашган қамоқхона бўлиб, камералар яхлит девор билан ажратилиб маҳбусларни бир-бирларидан ажратиб қўйиш имконини берарди. Ичкари томондан камералар панжара билан тўсилганлиги сабабли бино марказида ўтирган турма назоратчиси учун ўнлаб камералардаги маҳбусларни кузатиш имконияти яратилди. Бу жиҳат қамоқхона ходимлари сонини қисқартирибгина қолмай назоратчиларнинг иш сифати ошишига ҳам олиб келди. Қамоқхонанинг ушбу лойиҳаси XIX ва XX асрнинг бошларида кенг ёйилиб, паноптиконлар Буюк Британия, АҚШ ва Кубада қурилди. Ҳозирда паноптикон-турмалар деярли қолмаган.

Ўтган асрнинг иккинчи ярмида Ғарб мамлакатларида назорат минималлашган жазони ижро этиш муассасалари кўпая бошлади. Ушбу муассасалар анъанавий турмалар билан Россиядаги колония-манзилгоҳлари ўртасидаги бир нарсага ўхшарди. Колония-манзилгоҳларидан фарқли ўлароқ ушбу муассасалар ҳудудида мукаммал қўриқлаш тизими амалда бўлса-да, маҳбуслар камераларда эмас, балки 5-7 кишига мўлжалланган бинодаги бир кишилик хоналарда яшашарди. Ушбу биноларда умумий дам олиш хонаси ва ошхона мавжуд. Муассаса ҳудудида ҳаракатланиш деярли чекланмаган, яъни қатъий кун тартиби йўқ. Бундай қамоқхоналар асосан Австралияда мавжуд бўлиб, анъанавий турмаларда фақат рецидивистлар ва ўта оғир жиноят содир этган шахслар сақланади.

XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб СССРда НКВДнинг лагерлар бошқармасига бириктирилган (ГУЛАГ) ахлоқ тузатиш лагерлари кенг тарқала бошлади. Ушбу лагерларнинг асосий принциплари инқилобга қадар мавжуд бўлган каторга лагерларининг анъаналарини давом эттиради. Бироқ совет лагерлари каторгадан қатъий кун тартиби ва маҳбусларнинг ишлаб чиқариш нормалари билан фарқланарди.

Хитойдаги ахлоқ тузатиш лагерлари европадагиларидан дизайни ва принциплари билан тубдан фарқ қилади. Европадаги кўп қаватли бинолардан фарқли ўлароқ хитой лагерларидаги бинолар икки қаватдан ошмайди (ушбу жиҳат маҳбусларни ишга олиб чиқишни тезлаштиради) ва у ерда кучли қўриқлаш тизими йўлга қўйилган (ҳудуд атрофи баланд девор билан ўралиб, устидан уч қаватли тиканли сим ўтказилган). Хитойдаги жазони ижро этиш муассасаларида бир кишилик ва кам кишига мўлжалланган кичик камералар деярли йўқ.

Япония демократик давлат бўлишига қарамасдан қамоқхоналарида ўта қатъий тартиб ўрнатилган мамлакатдир. Бу ердаги қамоқхоналар пенсилвания усулида бўлиб, фақат бир кишилик камералар мавжуд.

Мусулмон давлатларида қамоқхоналар доимо алоҳида ўринда турган. Ўрта асрларда мусулмон давлатлари ғарбликларга ўхшаб қаср ва қальалар миноралари ёки бўлмаса ер устидаги қурилишларга ҳам қизиқишмаган. Ўрта Осиёда ва Яқин Шарқ мамлакатларида анъанавий зиндонлардан (панжара билан ёпилган ўра) фойдаланилган. Яқин Шарқда ушбу анъана бугунгача сақланган. Саддам Ҳусайн ҳукмронлик қилган даврда жазони ижро этиш муассасаларида тартибни бузган маҳбусни бир неча кунга карцерга эмас, балки ўра ёки қудуққа ташлашган. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ахборотига қараганда, ислом инқилоби қўриқчилари корпусининг (жамоатчиликнинг одоб ва ахлоқини кузатувчи яримҳарбий тузилма) ҳам махфий ерости қамоқхоналари мавжуд.

**Саҳифани «Internet» хабарлари асосида ТЕМУРБЕК тайёрлади**

Huquq
yuridik gazeta

Ta'sischi:
O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir:
Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay'ati:
Yusupboy G'OIPOV, Bahriddin VALIYEV, Baxtiyor NAZAROV *(Bosh muharrir o'rinbosari)*, Svetlana ORTIQOVA, Tohir MALIK, Sherzodxon QUDRATXO'JAYEV

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 233-98-40, 233-10-53.
E-mail: huquq97@mail.ru
Faks: 233-64-85, 233-10-53.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariga qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «HUQUQ»dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tijorat ahamiyatiga molik materiallar ** belgisi ostida chop etiladi.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2007 yil 22 yanvarda 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Nashr ko'rsatkichi — 231
ISSN 2010-7617

Buyurtma Г — 355. 25 258 nusxada bosildi.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Sahifalovchi: X.HAMIDOV
Navbatchi muharrir: M.DUSIYAROVA
Navbatchi: O'.DEHQONOV
Musahhih: A.MUSTAFOYEVA

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.

Sotuvda kelishilgan narxda

Gazeta «Sharq» NMAK bosmaxonasida ofset usulida chop etildi. Korxona manzili: Toshkent shahar, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 21.00. Topshirildi: 24.30 1 2 3 4 7 8